

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ЗООТЕХНИЯ” ФАКУЛТЕТИ**

**ИПАКЧИЛИК КАФЕДРАСИ**

**Бакалавриат 5410900-“Ипакчилик” йўналиши 4-57 гурӯҳ талабаси**

**УМРБОЕВ АББОС МАДАЛИ ЎҒЛИ**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**МАВЗУ: “ҚАТОРЛАБ ЭКИЛАДИГАН ТУТЗОРЛАРНИ  
ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ВА ЎҒИТЛАШ”**

**Илмий раҳбар:**

Ипакчилик кафедраси  
катта ўқитувчиси  
к/х.ф.номзоди

В.Раҳмонбердиев

**“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”**

Ипакчилик кафедраси мудири,  
к/х.ф. номзоди \_\_\_\_\_ У.Т.Данияров  
2015 йил «\_\_\_\_»\_\_\_\_\_

Зоотехния факультети декани,  
доцент \_\_\_\_\_ У.Ш.Балласов  
2015 йил «\_\_\_\_»\_\_\_\_\_

**ТОШКЕНТ – 2015**

## **МУНДАРИЖА**

1. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ РЕЖАСИ.....	3
2. КИРИШ.....	4
3. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.....	8
4. ЎЗБЕКИСТОНДА ИПАКЧИЛИКНИНГ ОЗУҚА БАЪЗАСИНИ ЯРАТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ.....	18
5. ТУТ КЎЧАТЗОРИДА АЛМАШЛАБ ЭКИШ.....	21
6. ТУТ КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ, ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ВА ЎҒИТЛАШ.....	24
7. ҚАТОРЛАБ ЭКИЛАДИГАН ТУТЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ВА ЎҒИТЛАШ.....	39
8. ҚАТОРЛАБ ЭКИЛГАН ТУТ ДАРАХТЛАРИНИНГ ШОХ-ШАББАСИГА ШАКЛ БЕРИШ.....	41
9. БАЛАНД ТАНАЛИ ТУТЗОРЛАРНИ ЎҒИТЛАШ МИҚДОРИ ВА ТУТЗОР ҚАТОР ОРАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	46
10. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	55
11. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	57

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИ РЕЖАСИ**

1. КИРИШ.
2. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.
3. ЎЗБЕКИСТОНДА ИПАКЧИЛИКНИНГ ОЗУҚА БАЪЗАСИНИ ЯРАТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ.
4. ТУТ КЎЧАТЗОРИДА АЛМАШЛАБ ЭКИШ.
5. ТУТ КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ, ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ВА ЎҒИТЛАШ.
6. ҚАТОРЛАБ ЭКИЛАДИГАН ТУТЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ВА ЎҒИТЛАШ.
7. ҚАТОРЛАБ ЭКИЛГАН ТУТ ДАРАХТЛАРИНИНГ ШОХ-ШАББАСИГА ШАКЛ БЕРИШ.
8. БАЛАНД ТАНАЛИ ТУТЗОРЛАРНИ ЎҒИТЛАШ МИҚДОРИ ВА ТУТЗОР ҚАТОР ОРАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ..
9. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.
10. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

## **КИРИШ**

Тут жуда қадимий дарахтлардандир. Бу дарахтни эрон, араб, турк, татар ва кавказликлар “тут” номи билан юритганлар. Лотинчада “*Morus*” авлодига мансубдир. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича Қора тут / Шотут / нинг ватани Эрон, Оқ тутники эса Хитой ҳисоблангади. Хитойликлар бундан 5000 йил муқаддам тут барги билан ипак қурти боқиб, пилла етиштирганлар, пилладан ипак олиш йўллари кашф этилгандан кейин Хитой давлати унинг сирини ошкор қилишни қатъий ман этди. Шунга қарамай ипак қурти боқиши аста-секин 2000 йил бурун Кореяга, сўнгра Японияга ва IV асрда Эрон орқали Ўзбекистонга, V-VI асрларда Кавказ ортига ҳам маълум бўлди. Бинобарин, тут дарахти Ўзбекистонда бундан 2000 йил олдин мавжуд бўлган.

Тут барги ҳосилдорлиги кейинги йилларда камайиб кетди. Бундай бўлиши қатор сабабларга боғлиқдир. Жумладан, кўп миқдорда экилган ва энди ҳосилга кирган ёш тутлар ҳисобига, барг тайёрлашда ҳосилни ҳисоб-китоб қилмаслик, баргли новдаларини палапартиш, нотўғри кесилиши ҳамда ташиш вақтида баргларнинг сўлитиб, кўйилиши айниқса тутларни ўз вақтида парвариш қилмаслик каби сабабларга кўра камайиб кетмоқда.

Барг ҳосилдорлигининг камайишига мавжуд тутзор ва қаторлаб экилган тут дарахтларининг аксарият кўпчилиги / 96-97 % / майда баргли маҳаллий Хасак ва дурагай тутлардан иборат эканлиги ҳам таъсир этади. Бундан ташқари алоҳида майдонларга экилган тутларнинг умумий озиқ манбаига нисбатан салмоғининг камлиги /20-25 % /, тутзорларга кўчатларнинг сийрак жойланиши, уларнинг ниҳоятда кам кўкариши ялпи ҳосилнинг камайишига таъсир қилмоқда.

Ўтказилган кўчатларнинг кўкариш даражаси ниҳоятда паст, Республика бўйича салкам 20 % ни ташкил этган. Қорақалпоғистон республикаси ва Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида эса бу кўрсаткич 1-11 % атрофида бўлган. Кўчатларнинг бу даражада кам кўкариши аввало

давлат кўчатзорларида етиштирилаётган кўчатларнинг сифатсизлигига ҳамда фермер хўжаликларида кўчат экишга ерни яхши тайёрламаслиги, кўчат экишга ерни яхши тайёрламаслиги, кўчат экилгунча ёмон сақланиши, экилгач эса уларга етарли даражада парвариш қилинмаслигидан иборат. Пировард натижада сарфланаётган маблағ зоё кетмоқда.

Келажакда пиллачиликни озиқ манбани миқфдор ва сифат жиҳатидан яхшилаш, уни иқтисодий самарадорлигини ошириш учун суғориладиган ерларни ва сувни тежаш ҳамда республикада пиллачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан озиқ манбани секин-аста тутзор асосида ташкил қилишга тўлиқ ўтиш талаб этилади. Лекин бунинг учун маълум вақт керак. Шу сабабли, ҳозирги кунда мавжуд қаторлаб қилган дурагай дараҳтлар ва тутзорларнинг барг ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш ҳамда барг етиштиришни тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказиш лозим. Буни ҳал қилиш учун тутчиликда звено ижара пудратини тузиш ёки бокиладиган қурт қутиси миқдорига қараб тут дараҳтларини пиллакорларга бўлиб бериш керак. Бу икки ҳолатда ҳам уларга иқтисодий жиҳатдан таъминловчи шарт-шароитларни яратиб бериш зарур. Айни вақтда ялпи барг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида қараб, ҳосилдан қолган тутларни секин-аста қўпориб: ўрни чуқур / 50-60 см/ ҳайдалиши лозим. Ўғитланган ерга ёки янгидан ташкил қилинадиган тутзорларга районлаштирилган навли кўчатларни зичлаштирилган схемалар / гектарига 20-22 минг дона / асосида экиш, ўз вақтида юқори даражада парвариш қилиш зарур. Шуни ҳисобга олиб яқин йиллар ичида давлат тут кўчатзорларида фақат навли тутлар билан пайвандланган ва қаламчалаш орқали етиштирилган кўчатларни кўпайтириш ва тарқатиш керак. Чунки навли тутлардан ташкил қилинган тутзорларнинг маҳсулдорлиги дурагай тутзорларнига нисбатан 2-2,5 баравар кўп ва тўйимлидир. Сифатли навдор кўчатларни етиштирадиган давлат кўчатзорлари ишчи ва хизматчиларни моддий аҳволини яхшилаш учун кўчатларнинг улгуржи нархини давлат тамонидан камида 2 баравар ошириш

мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳозирги кунда навли тут қўчатларининг нархи мевали қўчатларнига қараганда 3-4 марта арzon.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг табиий иқлим ва тупрок шароитлари пиллачилик озиқ базасини ривожлантириш учун ҳар жиҳатдан кулайдир. Пиллачилик хўжалик учун қўшимча даромад манбаи ҳамдир.

Фермер хўжаликларда пиллачилик озиқ фондини мустаҳкамлаш ва яхшилашнинг асосий манбалари қўйидагилардан иборат: тутзорларни кенгайтириш, дала четларига йўл ёқаларига тут қўчатларини ўтказиш ва уларни яхши парвариш туфайли барг ҳосилини кўпайтириш; ўғит ва механизациядан рационал фойдаланиш асосида тут барглари таннархини арzonлаштириш; тутзорларни яхши навли тутлар қаламчasi ва пайвандлаш йўли билан етиштирилган серҳосил қўчатлардан ташкил қилиш барг сифатини яхшилашда катта аҳамиятга эга.

Тут дарахтининг барги билан бир қаторда унинг меваси, уруғи ва толаси хўжалик жиҳатдан аҳамиятлидир. Тут меваси қанд моддаси ва витаминаларга жуда бой.

Тиббиёт бобокалони Абу Али ибн Сино тут меваси ширасини оғизтomoқ иллатларини, шишларини ҳамда чиллаширни даволашда, пешоб ҳайдовчи омил сифатида қўллаган. Балхи тутнинг сархил барг ширасини милқак (ангина) ва тиш оғриқларини қолдиришда ишлатган. Халқ тиббиётида Балхи тут меваси иситма хуржини камайтирувчи, кишига дармон бағищловчи, қон кўпайтирувчи сифатида қўлланган бўлса, пўстлоғидан тайёрланган қайнатма яра-чақаларни даволовчи, ўпкани юмшатувчи, балғам кўчирувчи, пешоб ҳайдовчи бўлиб хизмат қиласи. Шотут меваси жилон жийда меваси билан биргаликда бўғма ва қизилча хасталикларига малҳам бўлади. Оғиз бўшлиғи яллиғланганда шотут мевасидан тайёрланган қайнатма билан чайилса, азиятга таскинлик беради. Булардан ташқари, шотут ҳароратни пасайтирувчи, чанқоқ қолдирувчи бўлиши билан бирга буйрак фаолияти сустлигини яхшилашда ижобий натижা беради (М.Набиев.

“Тошкент оқшоми”, 1978, 18 июл). Тут дарахтининг танаси жуда мустаҳкам ва чидамли, пардозланган жилва беради. Шунинг учун дурадгорчиликда мебеллар, ҳар хил асбоб ускуналар ва мусиқачиликда ҳар хил чолғу асбоблари ясалади. Тут ёғочини сувда бир неча йил ушлаб, сўнгра шамшод деб аталадиган жуда чидамли, эластик тароқлар тайёрланади. Тут пўстлоғи пишиқ, қайилувчан ва унда дубил моддаси бўлиб, у ток новдаларини ва пайвандларни боғлашда ишлатилади. Тут пўстлоғидан қимматли ранг олиш мумкин. Курт боқищдан кейин қолган новда ва шохлардан сават, замбил ва енгил стуллар тўқишида фойдаланилади. Тарихий адабиётларда тут илдизини сувда қайнатиб ёки қуритиб, сўнгра толқон қилиб истеъмол этилганда гижжа хайдаши ва қисман қанд касалини даволаши мумкинлиги баён этилган.

Тут дарахти бошқа дарахтлар билан аралаштириб экилганда, экинларни гармсел ва совуқ шамоллар таъсиридан сақлашда ихота вазифасини бажаради. Бу хилдаги экилган тутларнинг баргидан ипак қуртига озиқ сифатида қисман фойдаланиш ва мевалардан уруғ олиниб, кўчат етиштириш мумкин. Иккинчи томондан, тут ва бошқа хил ихота дарахтлари ўз танасидан ер ости сувларини буғлантириб, сизот сувлари сатҳини пасайтиришга ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ёрдам беради. Бинобарин, шўрланиш ва ботқоқланишига қарши тут дарахтлариниг аҳамияти анчагина каттадир.

## **2. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ**

Тут ниҳолларига, кўчатларига ва уруғлик тутзорларга серхосил навдор тут кўчатларини экиш олдидан пайвандлаш агротехникаси Грузия шароитида ва Республикаизда С.Г. Безарашибили томонидан 1939 йили ишлаб чиқилган. А.Г. Кафаин ва Е.С. Геловани уни такомиллаштириш юзасидан бир қанча ишлар қилишди. Улар ва бошқа бир қанча олимлар (С. Остраухов, 1938; Ю. Бакулин, 1938; Т. Иванченко, 1955, К.Рахмонбердиев 1967;) томонидан тут қаламчасини илдизга пайвандлаш устида илмий иш олиб борилди. Бу усул экиш олдидан пайвандлаш хисобланиб, куплаб пайванд кўчатлар етиштиришда кам самара бергани учун ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмади.

1964 йилдан бошлаб М.И. Гребинская, О. Пулатов, У. Кучкаров. Ф. Гатин томонидан ер багирлаб кия кесилган пайвандтаг кучатларнинг пустлок орасига қаламча билан пайвандлаш усули Ўрта Осиё шароитида такомиллаштирилиб ишлаб чиқаришга жорий этилди.

1965 йилда М.И. Гребинская ва О. Пўлатов томонидан 10 ёшгача булган кам хосил тутларнинг каллагини пўстлоқ орасига пайвандлаш усули ишлаб чикилди. ЎЗИТИ томонидан қаламчаларни сақлаш учун ҳаво сиқувчи курилма билан жихозланган музлатгичлардан фойдаланишни тавсия этади, (У.Кучкоров, 1984). Қаламчалар бодлами атрофига нам киринди солиниб, устидан полиэтилен ёки нам утказмайдиган қофоз билан ўралади ва музхонага қўйилиб, унинг харорати +2 + 4 даражада ушланади.

1955 йили М.И.Гребинская томонидан куртак пайванднинг янги усули ишлаб чикилди. Бунда пайвандтаг 15-20 см эмас, балки 5-7 см колдириб кесилди ва куртак ўрнатиш учун “Т” шаклидаги чизиқни хам икки марта кам (атиги 1 см) узунликда тилинди. Шу билан бирга бойланган ерни бушатишга хожат колмади, чунки куртак факат тепа томондангина бодланганлиги сабабли унинг ўсиши учун керак булган озик моддалар бемалол ўтаверди.

1963-1964 йиллари М.И.Гребинская ва О.Пўлатовлар кам хосилли ёки хосилдан ўолган 10-12 ёшли тут дарахтларининг каллак ёки танасига куртак пайванд ўилиш устида иш олиб бориб, ижобий натижага эришдилар. Тажриба ўтказилган дарахтларнинг илдиз буғзидан юкори кисмининг диаметри 30-40 мм ва каллак шохлариники 30-70 мм атрофида булиб, унинг силлик жойига куртак пайванд килинади. Ёш дарахтларда пайванд куртак ўрнатиладиган пайвандтаг пўстлоги калин ва қисман пробкалашган бўлганлиги учун пайвандлашдан олдин унинг шу кисми қирқиб олиб ташланади ва пайвандтаг кесигидан 5-7 см пастрокқа, унинг қарама-қарши томонига куртак ўрнатилди. Пайванд килишни уч муддатда: эрта кўклам (15-20 март), яъни дарахтда шира харакати юришганда, куртак бўртиб яшил тусга кирганда (18-23 апрель) ва баргли новдаларни кесиб олдиндан (9-13 май) амалга оширилди. Куртак бўртиб яшил тусга кирганда (18-23 апрель) пайтда килинган пайванднинг 89%, кеч куклам (9-13 май) дагининг 79% ва эрта куклам (15-20 март) дагининг эса атиги 26% кўкарган. Шу билан бир каторда, шх-шаббадаги йўгон новдаларга қилинган пайванд, шох-шабба остидаги ва илдиз буғзидан 70 см юкоридаги танага килинган пайвандга нисбатан бирмунча яхши кукариб, кузгача новдалари 32-90% узун булган. Бундан ташқари пайванд килиш пайтида пайвандтагнинг куртак ўрнатилган жойидан юкорисини кесиб ташлаш муддати хам унинг кўкаришига маълум даражада таъсир килган. Масалан, пайвандтагни пайвандлаш билан бир вактда кесилганда жами пайванд куртакдан 85,5% ти кутариб, бу иш бир хафта утгандан сўнг қилинганда куртаклар кўкармаган, бир ой ўтказиб амалга оширилганда эса атиги 1,7% пайванд тутган.

1963-1964 йиллари М.И. Гребинская раҳбарлигига О.Пўлатов томонидан пўстлоқ остига пайвандлашни тут дарахти танаси ёки каллак шохларига қўллаш усули такомиллаштирилди. Бу хам кўчатзордаги ер багирлаб пайвандлашга ухшаш булиб, лекин пайвандтагнинг кия кесилган жойининг юкори кисмига пайвандуст каламча урнатилгач, кия юзасига

марганцовкали суюқликка намланган пахта қўйилади. Намликин саклаш максадида устидан полиэтилен плёнка бояланди. Куёшда пайванднинг кизимаслиги учун плёнка устидан оддий когоз бояланади. Пайвандлангандан кейин 1,5-2 ой утгач, яни каламчада 7-10 та барг хосил булгач плёнка ва пахта олиб ташланади. Ташки мухитнинг кескин узгаришини кесикка таъсир этмаслиги учун когоз кайта боялаб қуйилади. Кузгача пайвандтагдаги кесик юзаси 20-25% га камайиб битади.

Д.А. Комиссаров (1938), Н.П. Кренке (1950) ва бошқаларнинг маълумотига караганда нихолдан каламча олиб экилганда, катта дарахтникига нисбатан унинг илдиз олиши яхши булади. М.И. Деза (1951), Р.Х. Турецкая (1961) ва бошқаларнинг таъкидлашича она тутнинг хар хил жойидан олиниб экилган каламчаларнинг кукариш хусусияти хар хил булади. Новданинг куйи кисмидагиси яхширок илдиз отади.

К. Рахмонбердиев раҳбарлигига 1960-1961 йиллардан бошлаб халкаланган каламчалар оркали навдор тут кучатлари етиштирила бошланди. 1962 йилдан бошлаб Тошкент вилоятининг 6 та туманида, 1964 йилдан Бухоро, Сурхондарё, Наманган, Андижон, Фаргона вилоятларида, 1969 йилдан Коракалпогистон автоном Республикасида, 1978 йилдан Кашкадарё вилоятида халкаланган каламчалардан навдор ва дурагай тут кучатлари етиштирилиб, тутзорлар барпо этилди.

Каламчадан устирилган кучатларга шакл беришга оид тажриба 1973-1976 йилларда К. Рахмонбердиев раҳбарлигига М. Хиббимов томонидан олиб борилди. Биринчи усув йили қаламча кучатнинг ён новдалар хосил килиш даражасига караб 3-4 марта шакл берилади. Биринчи марта шакл бериш май ойиниг охиридан июннинг биринчи яримигача булган вакт ичида утказилади.

М. Хиббимов тажрибасидан яна шу аён бўлдики, САНИИШ – 15xПионер тут дурагай уругидан ўстирилган нихолдан қаламча тайёрлаб эилганда, 96-100% и кукариб, кучатнинг буйи урта хисобда 200-213 см га

етган. Каламча кучатлариниг ўсиш даражаси ва сифати уруг кучатлариникига қараганда 11-29% юқорироқ бўлган.

К.Рахмонбердиев ва М. Хиббимовлар маълумотига қараганда, 1 гектар ерга 15-20 см узунликдаги каламчалардан 45 даража киялатиб ( $0,25 \times 0,7$  схемасида) экилганда гектарига 56 минг дона, 30-40 см каламчалардан эса ер багирлаб куйишда 35 минг ( $0,4 \times 0,7$  м схемасида) дона каламча экилади. Лекин, 45 даража киялатиб экилган хар бир каламчадан 1 дона кучат, 30-40 см узунликдаги ёткизиб экилганлардан эса урта хисобда 2 тадан, яни гектардан 70 минг туп кучат олиш мумкин. Шундан биринчи усулнинг кукариш даражаси урта хисобда 58%, иккинчи усулда эса 71% булади.

1975-1980 йиллари С. Остроухова ва П. Хужаевлар томонидан Тошкент Давлат аграр университетининг ўқув тажриба хўжалигида полиэтилен плёнка билан усти ёпилган қўрилмада тутнинг 2 буғимида баргли каламчалари автоматик сунъий туман хосил килинган шароитда кўкартирилди. Бундай шароитда устирилган каламчалар экилгандан 12-15 кун ўтгач илдиз хосил қиласи ва ўсиши жадаллашади.

М. Кулиевнинг маълумотига қўра, Туркманистон шароитида 16 апрелда сеппилган тут уруғидан чиқкан нихоллар, 26 апрел ва 16 майда сепилгандагига нисбатан 22,7-42,5% га кўп ва сифатли бўлган.

Тут уруғини кузда сепиш мумкинлиги 1930-1931 йиллари Украинада М. Филков ва 1958 йилда Ўзбекистонда А.С. Емеляновлар синаб кўриб, ижобий натижага эришдилар. Уруғни кузда сепишнинг афзаллиги 70-йиллардан бошлаб амалий жиҳатдан тасдиқланган. Масалан, Р. Абдуллаев Ўрта Осиё ипакчилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида тутуруғини 1969 йили сентябр, ноябрда ва 1970 йили февралда экиб, пушта устига 1-2 см қалинликда чириган гўнг тўшаган. Ноябрда уруғ сепилган майдонларнинг майсалари келгуси йили жуда яхши ўсиб, гектарига 1 млн 93 минг нихолча етиштирилган. Сентябр ва февралда сепилган уруғлардан

чиқсан ниҳоллар миқдори тегишлича 522-604 мингни ташкил этган. Шунга ўхшаш Хоразм вилоятида С. Маҳмудов раҳбарлик қилган Ургенч тут кўчатзорига тут уруғини 1973 йили 27 ноябр, 1974 йили 6 ва 20 майда экилганда гектаридан 1-2-3 муддаталрда сепилганда тегишлича 1 млн 20 минг, 930 минг ва 682 минг, яъни кузда сепилган уруғдан, ёзда (6-майда)гига нисбатан 90 минг кўп ниҳол етиширилган. Яъни биринчи ва иккинчи муддатда экилган уруғлардан тегишлича 65-45% стандарт ниҳоллар олинган. Ёзда (20 май) сепилган уруғлардан унган ҳамма ниҳоллар кузгача етиша олмаган.

Ю. Миралимов, Р. Содиков ва X. Бекназаровларнинг Тошент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида олиб борган тажрибаларига кўра, октябр ва ноябрда сепилган тут уруғи ниҳоллари кўкламдагига нисбатан жадал ўсиб, кўп миқдорда стандарт ва ҳатто олий навли ниҳоллар етиширилган. Бинобарин, Ўзбекистон шароитида тут уруғини кўклам, ёз фаслларидан ташқари кузда ҳам сепиш мумкин.

М. Нўмонов (1968)нинг Фарғона водийси ва X. Убайхўжаев (1969-1970)нинг Тошкент вилоятининг соғ тупроғи ҳамда Л. Ҳусниддинова (1972-1975)нинг Чоржўй вилоятидаги енгил қумоқ тупроқда олиб борган тажрибаларига кўра, фосфор ўғитининг  $\frac{1}{4}$  қисми тут уруғи билан аралаштирилган ҳолда пуштага сепилиб, 1-2 см тупроқ билан кўмилганда майсалар яхши ўсган. Ниҳолча пояси бақувват бўлган ва кузгача яхши пишган, И-ИИ сорт стандарт ниҳоллар 80-85% ни ташкил этган. Гектаридан 700-800 минг стандарт ниҳолчалар етиширилиб, иқтисодий самарадорлик гектаридан 2820 сўмга teng бўлган.

М. Муҳамаджонов (1962) маълумотларига кўра, Тошкент вилояти шароитида уч яшар беда ҳар га майдонда 300-400 кг азот ва 10-12 т органик модда тўпланишига имкон беради. Беда тупроқ шўрини камайтиришда ҳам катта аҳамиятга эга.

Х. Убайхўжаевнинг, тут беда алмашлаб экиш устида олиб борган тажрибасининг кўрсатишича, тут ниҳоли қатор ораси чопиладиган экин (картошка)дан бўшаган ерга экилганда, етиштирилган икки йиллик биринчи сорт кўчат 61% ни, уч йиллик бедани бузиб экилган ерга эса 90% ни ташкил этган, яъни иккинчи майдоннинг ҳар га сида биринчисига қараганда 23 минг дона кўпроқ биринчи сорт кўчатлар ўстирилган.

1982 йили СКПТБ “Шелк” ходимлари (А. Громадский, Д.Насритдинов, М. Мирхўжаев, С. Зинкина) томонидан сабзавотчилик соҳасида кенг қўлланган СКНБ-4 ва СКН-6 белгили машиналардан тут ниҳолчаларини экишда фойдаланишни тавсия этишди. Ниҳолчларни экишдан олдин танаси илдиз бўғзидан 5-6 см қолдириб кесилди. Ушбу машиналар 4 дан 6 қаторгача кўчат экади. Машина “Беларус” ёки Т-38 белгили тракторларга ўрнатилди. Агрегат ҳаракатланиш жараёнида олти қатор ариқча очиб, экувчи аппарат ниҳолчани қўяди, айни вақтда сув пуркайди ҳамда ғалтак мола ёрдамида илдиз атрофидаги тупроқни зичлаб кетади. Бунда бир тракторчи, 6 киши ниҳолчаларни аппаратга қўйишда ва 3-6 киши ниҳолчаларни экишга тайёрлаб беришда қатнашади. СКНБ-4 ва СКН-6 машиналари Тошкент насл-ипакчилик совхози тут кўчатзорида синааб кўрилганда, бир сменада экиш қалинлигига қараб, 1,2-2,5 га кўчатзорга ниҳолча экилиб, кўкарувчанлик даражаси 95% гача бўлган. Ушбу машинанинг Ўзбекистон масштабидаги иқтисодий самарадорлиги йилига 740 минг сўмни ташкил этган.

А.И. Федоров тавсиясига кўра кўчатнинг биринчи ўсув йили минерал ўғитлар икки муддатда: кузда экилган кўчатларга биринчи марта азотли ўғитнинг 50%, кўчат кўкламда экилган бўлса, экиш тугагандан сўнг, қолган 50% биринчи муддатдан бир ой кейин солинади. Фосфорли ва калийли ўғитлар бир йўла иккинчи марта азот солиш вақтида қўшиб бериалди. Икки ёшли кўчатларга минерал ўғитларнинг ҳаммаси бир муддатда - феврал охири ёки мартда солинади.

Г.В. Бутенконинг 1950 йили Ўрта Осиё ипакчилик илмий тадқиқот институтининг таҳриба хўжалигидаги кузатишига қўра, дурагай тутларнинг кўчати биринчи йилдаёқ бўйчан ўсиб ёзниг ўрталарида кўплаб ён шохлар ҳосил қиласди, тракторга ўрнатилган агрегатлар кўчат қатор орасини ишлаш пайтида бу шохларни синдириши ва танани шикастлантириши мумкин. Бунда ён новдаларни учинчи чимдиш орқали мўлжалланган мақсадга эришиш қийин. Шунинг учун Наманган тут кўчатзори ва Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўкув тажриба хўажлигига ўтқазган тажрибамиизда бу хилдаги бақувват ўсган бир ёшлик кўчатларда тананинг пастки ярмидан чиқсан ён шохларни ёз ўртасида (июннинг охиридан кечиктирмай) танага тақаб кесиб, юқориги шохларни учидан чимдидан ташладик.

А.И. Федоров ва Г. В. Бутенколар ён шохлардаги барглар озиқ йиғиб тананинг йўғонлашишига сабабчи бўлиши, шу туфайли улар танага тақаб эмас, балки 1/3 қисми кесилса яхши натижа бериши ва буни “йўғонлаштириш учун кесиш” номи билан юритиш хақида фикр билдиридилар.

Кўчатнинг иккинчи ўсув йилида эса уларнинг олдинги йилдаги ривожланиш даражасига қараб А.И. Федоров ва К.С.Земский таклиф этган икки усулда шакл берилади.

А.И. Федоров тавсиясига қўра, биринчи йили ўртача (бўйи 1,5-1,7 м) ўсган кўчатлар иккинчи йили эрта кўкламда ўсимлик куртак ёзгунча асосий танасининг 1,2-1,3 м дан юқориси боғ қайчи ёки боғ пичоқ билан кесиб ташланади. Шунда тананинг юқориги қисмидаги куртаклардан шохчалар ўсади. Буни каллак ҳосил учун кесиш дейилади. Май охири ва июннинг бошида тананинг юқориги қисми (каллак)да 3-4 та новда қолдирилиб, пастдаги ён новларнинг 20-25 см дан юқориси қирқилади. Июлнинг охири ёки августнинг бошида бир-бирига қарама-қарши жойлашган учта юқориги новда қолдирилиб, бошқа жами ён новдалар танага тақаб кесилади.

К.С. Земский тавсиясига қўра, биринчи йили бақувват (бўйи 2м дан ортиқ) ўсган кўчатлар асосий танасининг 1,3 м дан юқориси иккинчи йили эрта кўкламда (А.И. Федоров усулига ўхшаш) қирқилади. Шундан сўнг тананинг юқори қисми куртакларидан бир қанча шохлар ўсиб чиқади. Майнинг охири ва июннинг бошида тананинг юқори қисми (каллак) да 3-4 та новда қолдирилиб, пастидан чиқсан ён новдалари танага тақаб кесилади. Тананинг кесилган жойидан қайта ўсиб чиқсан новдалар июннинг охири ва июлнинг биринчи ярмида иккинчи марта тагидан қирқиб ташланади.

М.Петков, И.Пенков (1976) лар Болгария шароитида такорий қурт боқища юқори самара берган тут навларини (Кокусо 21, Кокусо 27, №106, №59) аниқлаб, улардан ёзги ва кузги қурт боқища фойдаланиш ҳақида тавсиялар берганлар.

Тутнинг янги навларига хўжалик ва иқтисодий жиҳатдан тўғри баҳо беришда ҳар қути қуртдан етиштирилган пилла ҳосилини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Худди шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ф.Г.Гатин, К.С.Огурцов (1981) янги 25-70, 47-73, 9-72 селекцион тизимлар баргидан фойдаланилганда 1 қутидан 8,6-26,9 кг кўпроқ пилла олинганини хабар қилади.

Кўп йиллар давомида тутнинг М.И Гребинская яратган Тоҷикистон уруғсиз нави ниҳоятда юқори маҳсулдорлик кўрсаткич-ларини намоён этиб келди. Ўзбекистонда селекция ишининг ривож топи-ши шунга олиб келди, Тоҷикистон уруғсиз тути билан рақобатлаша оладиган навлар яратилди. Ф.Г.Гатин, К.С.Огурцов, М.Н.Асомова (1986) САНИИШ 35 нави юқоридаги навга нисбатан 1 қутидан 4,3 % кўпроқ пилла бергани ва пиллаларнинг ипакчанлиги эса 5,1% га кўп бўлганини таъкидлайдилар.

Ф.Г.Гатин, К.С.Огурцов, М.Жўраев, И.Х.Холматов, М.З.Аҳме-дова (1977) мақоласида ЎзИИТИ селекциячилари яратган Жаариқ 3 нави баргининг тўйимлилиги ва самарадорлиги жиҳатидан Тоҷикистон уруғсиз тути кўрсаткичларига бараварлаша олиши ёритилган. Янги барглари

ишлатилганда пилладаги ипак миқдори 434 мг, Тожикистон уруғсиз тутида 425 мг бўлган.

А.С.Дидиченко, Р.Абдуллаев, А.П.Пўлатов (1987) тутнинг Голодностепский 6 (Мирзачўл 6) нави, Й.М.Миролимов, М.Н.Асомова, А.Пў-латов (1990) САНИИШ 40 навларининг қурт маҳсулдорлигини ошириш-даги афзалликлари ҳақида ёзадилар.

П. Грязина (1976) тажрибаларида М.Самандарова. Тирик пилла ва унданги ипакнинг вазни қуртлар навли тут барглари билан боқилган варианларда кўп бўлган.

А. И. Хаханов, Т. Хафизова (1976) тутнинг турли навларининг озуқавий хусусиятлари ва ипак қуртининг навларга бўлган реакциясини ўргана туриб, айрим навлар ипак маҳсулдорлигини кўпайишига, айримлари - камайишига сабаб бўлишини кўрсатган. Синовларда тутнинг янгидан яратилаётган 37 - 54 ҳамда Тожикистон уруғсиз навлари бу жиҳатдан муайян фарқقا эга экани аниқланган. 37 - 54 нави барги билан озиқлантирилган Сов.5 ва САНИИШ 24 зотлари пиллалари вазни 3,8 - 7.8 фоизга кам ва бунинг акси Тожикистон уруғсиз навида 13,1 - 16,8 фоизга кўп бўлган.

С.С.Зинкина (1977) тутнинг янги 6 та навининг давлат синовлари якунини таҳлил қиласар экан, янги навлар аввало пилла ҳосилдорлигини кўпайтириш имконини беради деб таъкидлайди. Масалан, ҳар гектар тутзордан етиштириладиган пилла ҳосилдорлиги қиёсловичига нисбатан Пайванди навида-43,0%, Лихи-5 навида-69,0%, Ҳосилдор навида-118,7%, Тошкент навида-12 % ошган.

Г.Б.Мулев, А.И.Ковалик (1977) Українанинг Мерефа ипакчилик станциясида яратилган тутнинг Украина 107, Харьков 3 ва Украина-1 Навлари экилган 1 га тутзор ҳисобидан 827,% - 928,3 кг пилла олиш мумкинлигини хабар берадилар. қиёсловчи - дурагай тутларда бу кўрсаткич 354,3 килограммдан ошмаган.

Н.М. Финаева (1976) тутнинг турли навларини ўрганишга бағишлиланган тажрибалари якунида навли тутларнинг яна бир ижобий томонини аниклаган - навли тут баргларининг ейилиш ва ҳазм бўлиши юқорироқ бўлади.

Р.Ю. Зверованинг Тошкент вилояти шароитида олиб борган тажрибасига кўра, кўкламда сепилган уруғ тушган (0-5 см) чуқурликдаги тупроқнинг иссиқлиги  $10-11^0$  бўлганда, 15-17 кунда,  $15-17^0$  да 10-14 кунда,  $18-22^0$  да 5-8 кунда кўкарган. Тупроқдаги бундай ҳарорат тажриба олиб борилган (1965-1967) йилларда тегишлича 15-28 апрел, 29-апрел – 4-май ва 6-14 майга тўғри келган. Ушбу муаллифнинг таъкидлашича, тупроқ ҳарорати  $18-22^0$  ва намлиги 19-22% бўлганда, экилган уруғ тез (6-10) кунда қийғос кўкаради. Ўсув жадал давом этиб, кўпчилик ниҳолчалар стандарт талабига жавоб беради.

Н.Д.Гриценко (1963), С.Фильков (1965), С.А.Миносянцлар (1965) томонидан қурт уруғи заводларида тайёрланган уруғ партияларидағи ярим қуриган, қорайган, сифатсиз тухумларни яроқсиз деб топиш усулинин тавсия қилдилар. Аммо усулни амалда бажарувчи асбобларни йўқлиги ва уни қўлда бажариш мураккаб ва қийинлиги учун амалиётга тадбиқ этилмай қолган.

В.В.Одикадзе (1966) Грузияда яна бир янги тур нуқсонли пиллалар мавжудлигини маълум қиласди. Муаллифнинг таърифлашича бундай нуқсонли пиллалар касалланган қуртларни орка ичакдан чиқарган суюқлигини пиллаларга тегишидан ҳосил бўлади.

А.М.Сафонова (1972) ғумбаклардаги нуқсонли капалакларнинг серпуштлик қобилиятини пасайишига олиб келишини маълум қиласди. Муаллиф ғумбаклар қорин қисмини қийшиқ ёки қайрилган бўлиши қуртларни дастада тикка ҳолда пилла ўраши ва унинг ичидаги ғумбагини тик ҳолатда туриши натижасида содир бўлишини таъкидлайди.

### **3. ЎЗБЕКИСТОНДА ИПАКЧИЛИКНИНГ ОЗУҚА БАЗАСИНИ ЯРАТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ**

Иқтисодий тараққиётнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, агарар тармоқнинг ўсиши, қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий омилларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун яқин келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва узлуксиз ривожлантириш учун макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатида қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига ислоҳатларни чукурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” ги фармони мамлакатимиз агарар соҳасини иқтисодий ташкилий ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Фармон ва унинг асосида қабул қилинган меъёрий хужжатларнинг ижроси билан соҳадаги мавжуд муаммолар ўз ечимини топмоқда, жумладан; фермер хўжаликлари иқтисодий мустақиллигининг асоси яратилди. Ердан фойдаланишга ижара муносабатлари шаклланди, фермер хўжаликлари учун янги тамоиллар жорий қилинди, шартнома мажбуриятларида томонлар тенглиги таъминланди, хизмат кўрсатувчилар маъсулияти оширилди, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатлари устиворлигига эришилди.

Республикамиз халқ хўжалиги ривожланган ва ахолининг турмуш даражаси яхшиланган сари уни табиий ипакдан тўқилган турли кийимларга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб бормоқда. Шунинг учун ипакчиликни янада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг (1998 йил 30 март, 2005 йил 15 март, 2003 йил 22 декабр, 2006 йил 15 март, 2003 йил 22 декабр, 2006 йил 15 ноябрдаги) фармонлари чиқарилиб, Вазирлар Махкамасининг (1998 йил 3 апрел, 2000 йил 16 март, 2003 йил 9 сентябр, 2006 йил 15 ноябр) қарорларида озуқа баъзасини мустаҳкамлаш учун янги тутзорлар барпо этиш ва тутнинг янги,

сермахсул навларини яратиш, қурт боқишининг янги технологиясини қўллаш, тайёрланадиган пилла салмоғини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, ипак қуртининг янги зот ва дурагайларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш вазифалари кўрсатиб ўтилган.

Пиллачилик тармогининг энг долзарб муаммоси юқори навли рақобатбардош пилла ҳамда ипак толаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйишидир. Соҳадаги ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 3-январдаги 01-03-26-1 сонли қарорида фермер хўжаликларида 3 гектар ва ундан ортиқ тутзорлар ташкил этиб, уларнинг ёнида 15 қутига мўлжалланган қуртхоналар қуриш тўғрисида, ҳамда 2012 йил 12 ноябрдаги “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидағи пахта пунктларида пилла этиштириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорларга асосан “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидағи пахта заводлари ва уларнинг 196 та пахта қабул қилиш масканларида 50-70 қутидан ипак қурти боқиб пилла этиштириш йўлга қўйиш ва қуртхоналар ёнида интенсив технологияли тутзорлар ташкил қилиш учун 5 гектардан ер майдони ажратиш бўйича тегишли идораларга топшириқлар берилади. Ҳозирги кунда юқоридаги топшириқлар асосида 196 та пахта қабул қилиш масканлари ичida ёки ёнида 72 x 12 схемада 70 қути ипак қурти боқиши учун қуртхоналар қурилиб, тутзорлар ташкил қилиш учун Хитойдан тут кўчатлари келтирилиб экилди.

Шу муносабат билан ипак қуртининг озуқа базаси бўлган маҳсус ва замонавий тутзорларни кенгайтириш ҳамда улардан сифатли барг олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу кўп жиҳатдан экилаётган тут кўчатларининг навига ва ўстириладиган тут дарахтининг озуқалик сифатига боғлиқдир.

Дарҳақиқат, тут дарахтининг хўжалик жиҳатидан энг аҳамиятли қисми барча бўлиб, у ипак қуртининг ягона озиғидир. Тут баргида ипак қуртининг эҳтиёжини тўлиқ таъминловчи озиқ - моддалар, қанд, оқсил, ёғ, сув, ферментлар ва хар хил витаминалар мавжуддир.

Ипак қурти уруғи жонланиши биланоқ тут барги билан озиқланади ва натижада пилла ўрайди. Бинобарин, тут барги қанча мўл бўлса, шунча кўп микдорда қурт боқилиши ва шунча кўп пилла етиштириш мумкин бўлади.

Чунончи Ўзбекистон пилла етиштириш бўйича жаҳонда салмоқли ўринни эгаллашига қарамай серҳосил навдор тутлар майдони жами тут майдонларининг атиги 10-15% ташкил қиласи. У ҳам бўлса йиллар мобайнида дурагай кўчатларга пайванд қилиниб етиштириш эвазига эришилган.

Ҳосилдор тут дараҳтларини кўпайтириш учун ҳар қандай ипакчи агроном мутахассис тут дараҳти органлари тузилишини, тутни ташқи муҳит омилларига бўлган муносабати, кўпайтириш усулларининг агротехник қоидалари ва тут барги билан ипак қуртини боқиш усулларини билаш зарур.

Демак, ҳосилдор тут дараҳтини кўпайтириш учун агротехникиси жиҳатдан анча арzonга тушадиган усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Пилланинг сифати ҳамда ҳосилдорлигини юқори бўлиши учун республикасизда етиштирилаётган навдор тут кўчатлари сонини йил сайин кўпайтириб бориш энг асосий масалалардан бири бўлмоғи керак.

Бундан ташқари, тутнинг ҳосилдорлигини оширишда агротехник тадбирлар, жумладан озуқа берувчи баланд танали ва бута тутзорларни суғориш уларни минерал ва арганик ўғитлар билан ўз муддатида озуқлантириш барг ҳосилдорлигини оширишга олиб келади.

Шунинг учун битирув малакавий ишимни “Қаторлаб экиладиган тутзорларни парвариш қилиш ва ўғитлаш” мавзусини танлаб уни ўрганишни мақсад қилиб қўйдим.

#### **4. ТУТ КҮЧАТЗОРЛАРИДА АЛМАШЛАБ ЭКИШ.**

Тупроқ унумдорлигини оширишда алмашлаб экиш жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, бу тадбирни қўллаш туфайли тупроқнинг физик, химик ва биологик хусусиятлари яхшиланади, ерда озиқ моддалар кўпаяди, яъни ҳар бир га да 500 кг азот ва 15 т чиринди тўпланади. Тупроқка солинган ўғитларнинг ўсимликка таъсирчанлик даражаси ортади, бегона ўтлар, касаллик ва зааркунандалар камаяди. Шунга яраша ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги йил сайин ортиб боради.

Тут дарахти ва айниқса тут кўчатлари тупроқнинг унумдор бўлишига жуда талабчан. Агар бир ерга бир неча йил давомида тўхтовсиз тут уруғи ва ниҳоллари экилиб, кўчат ўстирилса, тупроқнинг унумдорлиги ёмонлашади, яъни тупроқ кучсизланади, натижада кўчатлар нимжон ўсади, сифати пасаяди ва ер бирлигига уларнинг миқдори камаяди. Шуни ҳисобга олиб, ер бирлигига уларнинг миқдори камаяди. Шуни ҳисобга олиб, тут кўчатзорида алмашлаб экишни жорий қилиш керак. Тут кўчатзорида ниҳол ва кўчатлар асосан беда ва қатор ораси чопиладиган экинлар билан алмашлаб экилади. Беда тупроқни азот моддаси билан бойитиб, унинг физик-химик хусусиятларини яхшилайди, шўрлаган ерларда зарарли тузлар миқдорини камайтиради. Қатор ораси чопиладиган экинлар эса ниҳолзор учун аҳамиятли бўлиб, бегона ўтларни йўқотишда зарурый чорадир.

Тут кўчатзорининг майдони ва қўлланадиган алмашлаб экиш схемаси у ёки бу зонанинг тупроқ-иқлим ҳамда иқтисодий шароити, режа бўйича етиштириладиган ниҳол ва кўчатлар миқдорига қараб белгиланади. Ўзбекистон Ипакчилик илмий тадқиқот институти Ўзбекистон тут кўчатзорлари учун етти ва тўққиз далали алмашлаб экиш схемасини тавсия этади.

Етти далали алмашлаб экиш схемаси шўрланган ва шўрланмаган, тупроғи ўртacha унумли ерларга мўлжалланади. Бунда уч дала беда ва тўрт дала тут билан банд бўлади. Умумий бир яшар кўчатлар ўстириладиган

даланинг айрим қисмida қатор ораси чопиладиган экинлари экилади. Бунда тут экиладиган майдон 57,1% ни ташкил этади.

Етти далали алмашлаб экиш схемаси тушунарли бўлиши учун қўйидаги мисолни келтирамиз. Масалан, ўртача катталикка эга бўлган кўчатзор майдони 21 га дейлик. Бунда ҳар бир алмашлаб экиш майдони 3,0 га ни эгаллайди, яъни алмашлаб экишнинг биринчи йилида учта далага беда экилган бўлиб, ҳар бири 3,0 га, жами бедапоя эса 9 га ни ташкил этади. Тўрт дала эса тут ниҳол ва кўчатларидан иборатдир. Жумладан, 4-5 даланинг 1,8 гектарида бир ва икки йиллик кўчатлар, шу далага тегишли қолган қисми эса қатор ораси чопиладиган экин ва ниҳоллар, 5 ва 7 далаларнинг ҳамма майдонида ҳар бир га сида 500 минг ниҳол етиштириш мўлжалланса, 0,6 га да 300 минг туп ниҳол ўстирилади. Гектаридан 50 минг туп қўчат олиш мўлжалланган бўлса, 4,8 гектар бир йиллик ва шу миқдордаги дала майдонида жами 240 минг икки йиллик кўчат етиштириш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, уч йиллик бедапоя ҳайдалгандан кейин ниҳоллар учун мўлжалланган даланинг айрим майдони (бир йиллик кўчатзорнинг  $\frac{1}{4}$  қисми) ни ўтлардан тозалаш мақсадида қатор ораси чопиладиган экинлар экилади.

Х.Убайхужаев маълумотларига кўра, тут уч йиллик бедадан кейин экилганда, қатор ораси чопиладиган экинлар экилган майдонда ўстирилгандағина нисбатан ўсиши жадаллашган, ҳар гектар ҳисобида етиштириладиган кўчат миқдори 30% гача кўпайган ва уларнинг сифати ҳам бир мунча яхши бўлган.

Тупроғи серунум, шўрланмаган ва иссиқ кунлари узоқ бўлган минтақаларда, тут ниҳоли ва айниқса пайванд кўчатларини кўпроқ етиштириш мақсадида тўққиз далали тут-беда алмашлаб экиш схемаси тавсия этилади. Бунда учта далага беда ва олти далага эса тут экилади, яъни ниҳол кўчат етиштириладиган майдон 66,7% ни ташкил этади. Ушбу схемада бир, бир ярим ва икки йиллик ниҳоллар ҳамда у ёки бу минтақа шароитига

мослашган сербарг навлар билан пайвандланган икки йиллик кўчатлар етиштирилади.

Тупроқ ва иқлим шароитига қараб қайси алмашлаб экиш схемасини қўллашдан қатъий назар, беда уруғини биринчи йили тез ўсувчи ғалла ёки судан ўсимлиги билан аралаштириб экилганда, бегона ўтларнинг ўсишини кескин камайтиради ҳамда майдон бирлигига етиштириладиган озиқ миқдори анча кўпаяди.

Ўзбекистон шароитида уч яшар беда тўрт марта ўриб олингач, октябрь ойининг иккинчи ярмидан ноябрнинг биринчи ярмигача бўлган муддатда юза ҳайдаш тавсия этилади. Бунда беданинг илдизлари қирқиб қўйилади. Сўнгра бедапоя тупроғининг намлик даражасига қараб, суғорилади, ер этилгач, 35-40 см чукурликда ағдариб ҳайдалади. Шундай шудгорланган ер қиши давомида музлаб, кўкламда донадор бўлади ҳамда беда ва бегона ўтлар миқдори кескин камаяди.

## **5. ТУТ КҮЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ, ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ВА ҮҒИТЛАШ**

Уруғдан ўстирилган нихолчалар күчириб ўтказиладиган майдон күчатзор дейилади. Нихолчалар күчатзорга экилгач, уларга икки йил мобайнида баланд танали, шох-шаббали шакл берилади. Шундан сўнг улар росмана икки ёшли дараҳтларга айланади. Кейинчалик улар тутзорлар, ариқ, йўл буйлари ва дала чегараларига экилади. Булардан эса ипак қуртига озик сифатида фойдаланилади ва яна уруглик она тутзорлар барпо қилинади.

Күчатзор яратишдан мақсад, майдон бирлигидан иложи борича кўпроқ миқдорда жумладан, умумий күчатларга нисбатан 50% кам бўлмаган дурагай стандарт күчатлар хамда пайвандланган күчатлар етиштиришдан иборат. Кўчатзорга экилган нихолларнинг ўқ илдизлари қиркилиб, кўплаб ён ва патак илдизлар хосил бўлади. Бундай серилдиз кўчатлар маҳсус тутзорга ўтказилганда тез ва яхши кўкариб кетади. Уларга навдор тутлар пайванд қилиш натижасида сифатли пайванд кўчатлар етиштирилади.

**Кўчатзорга нихол экишдан олдин ерни ишлаш.** Яхши ишлов берилган тупроқ ўзида намлик ва озиқ моддаларни кўп тўплайди, бундай тупроқда бегона ўтлар кам бўлади. Яхши ишлов бериш натижасида кўчатнинг илдизи ўсадиган қатламдаги тупроқ юмшоқ, донадор ва унумдор холатга келади.

Бедапоя ёки дуккакли ўсимликлардан бўшаган ерлар кўчатзор учун энг яхши хисобланади. Бундай ерларда қатор ораси чопиладиган экиндан бўшаган ерга нисбатан 10-35% дан кўпроқ озиқ (азот) модда тўпланади.

М. Мухамаджонов (1962) маълумотларига кўра, Тошкент вилояти шароитида уч яшар беда хар га майдонда 300-400 кг азот ва 10-12 т органик модда тўпланишига имкон беради. Беда тупроқ шурини камайтиришда хам катта ахамиятга эга.

Х.Убайхужаевнинг, тут-беда алмашлаб экиш устида олиб борган тажрибасининг кўрсатишича, тут нихоли қатор ораси чопиладиган экин

(картошка)дан бўшаган ерга экилганда, этиширилган икки йиллик биринчи нав қўчат 61% ни, уч йиллик бедани бузиб экилган ерда эса 90 % ни ташкил этган, яъни иккинчи майдоннинг хар га сида биринчисига қараганда 23 минг дона кўпроқ, биринчи сорт қўчатлар ўстирилган.

Кўчатзор учун мўлжалланган уч йиллик бедапоя кузда -30-35 см чуқурлиқда чимқирқарли плуг билан хайдалади. Хайдалган ерда беданинг қайта ўсишига йул қўймаслик учун кузги шудгордан икки-уч хафта илгари бедапоя кўйида кўрсатилган чизель ёки плуг билан 7-8 см чуқурлиқда хайдалиб, беда илдизлари қиркиб ташланади.

Нихолчалар кўчатзорга кузда экиладиган бўлса, майдон экишдан бир-бир ярим ой олдин хайдалиб, бороналанади ва экишдан бир-икки кун олдин мола босилади, Кузда шудгорланган ерга кукламда кўчатзор барпо этишдан олдин тупроқ етилиши билан ер бороналанади ва экиш олдидан молаланади.

Ери хайдаш ва бегона ўтларни йуқотиш учун ДТ-75, Т-74, Т-40 "Беларусь", Т-54 В, Т-70С тракторларига ўрнатиладиган ПЛС-5-25 А белгили боғ плуг-чизель, ЧБД-4,5 белгили чизель-боронадан, МВ-6,0 белгили текисловчи мола ва бошқа агрегатлардан фойдаланилади. Т-150, Т-4 белгили тракторларга тиркаладиган ПЧ-5-35 плуги ва Т-4А, Т-150, Т-150К, ДТ-75 белгили тракторларга осиладиган ПЛН-5-35 плуглари ёрдамида кўчатзор майдони шудгорланади.

**Нихолчаларни кўчатзорга ўтказиши.** Нихолчалар куз ёки кўкламда экилиши мумкин. Ўзбекистоннинг жанубий хамда иклими ўртacha, сизот сувлари чуқур жойлашган ва нами етарли бўлган минтақаларида кўчат экишга кузда, нихолчалар қазиб олиниши (10-20 ноябрдан сунг, нихолнинг барги тўқилиши) билан киришилади. Ер музлаши билан бу иш тугалланади. Об-хаво илиқ келган йиллари бу минтақаларда нихолчалар қишида экилса хам бўлади.

Нихолчаларни кўкламда ер музи эриши ва тупроқ селгиши билан экиласди. Ўсимликда қуртак бурта бошлагандага (март охири ёки апрель

бошларида) экиш ишлари тугалланади. Қаттиқ совуқлар бўладиган ва кишида қор кам ёгадиган шимолий минтакаларда (Қоракалпогистон республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида) нихолчалар кукламда экилгани яхши.

Умуман, нихолчалар кайси фаслда экилишидан катъий назар кетма-кет сугорилиши лозим. Шунда илдизлар тупроқда яхши жисплашиб, атрофида хаво колмайди, акс холда, бушлик орқали кирган совуқ харорат илдизчаларни музлатади.

Жанубий ва марказий минтақаларда кузда экилган кўчатлар кукламдагига нисбатан яхши ўсади. Масалан, Тошкент давлат аграр университети ўқув-тажриба хўжалигида олиб борилган текшириш, натижаларига кўра 20 ноябрда экилган кўчатларнинг баландлиги бир мавсумда ўрта хисобда 190-195 см етган. Кўкламда (25 марта) экилган кўчатларнинг баландлиги эса факат 160-165 см булган. Ўрта минтака туманларида кўчатлар кузда экилганда ёғангарилик туфайли ердаги намлик етарли булиб, кучириб утказиш вақтида жароҳатланган илдизлар кузнинг ўзидаёк битиб, об-хаво илиқ келганда қисман янги илдизчалар чикаради. Эрта кукламда бундай кўчатларнинг аввало илдизи ўса бошлайди, ёш новдаларни озик моддалар таъминлайди.

Барча хўжаликлар кўкламда бошқа экинларни экиш иши билан жуда банд бўлиши, айрим йиллари тупроқнинг кеч етилишини ёки аксинча ёгин кам булиб, об-хавонинг тусатдан исиб кетишини хисобга олган холда тут кўчатларини иклим шароити мос келадиган туманларда кузда экиш маъкул.

Нихолчалар барги кузда тукилиб булгандан кейингина қазиб олиниши мумкин, бу кеч куз ва хатто қишига чузилиши туфайли кўпчилик туманларда уларни экиш кўкламда ўтказилмоқда. Тутчилик мутахассислари олдида нихолчаларнинг барги тўқилишини кутиб ўтирасдан, уни сунъий тўқтириш ва эрта куздан бошлаб қазиб олиб, кўчатзорга экиш вазифаси турибди. Бу борада М. И. Нуъмоновнинг Ўрта Осиё ипакчилик илмий тадқикот институтининг Наманган тут кўчатзорида олиб борган тажрибаси

диккатга сазовордир. М. И. Нуъмоновнинг (1961) амалий тажрибасига кўра нихолчаларнинг барглари сентябрь охири ёки 5 октябрь оралигидага 0,7% ли магний хлорат эритмаси билан дориланганида улар 10-15 октябргача тукилган. Бу максадда хозирги кунда пахтачиликда қулланаётган дефолиантлардан хам фойдаланиш мумкин.

**Нихолчаларни тайёрлаш ва кўчатзорларга утказиш.** Нихолчани кўчатзорга ўтказиш олдида, унинг чириган, титилган, илдиз учлари ўткир болта, пичоқ ёки боғ қайчиси билан кесиб ташланади. Бунда I, II ва III синф нихолчаларнинг илдизи 25-22 см атрофида қолиши керак. Шундан сўнг экишга тайёрланган нихолчаларнинг илдизи лой аталасига ботириб олиниб, вактинча кўмиб қуйилади. Тут нихолчаларини кўчатзорга экишда қайси машина ёки асбоб-ускунадан фойдаланишдан қатъи назар, кўчатни тулик кўкаришини таъмин этувчи чораларни қўллаш лозим, акс холда ўсимликка яхши парвариш берилишига қарамай, хар бир гектар майдонда этиштириладиган кўчатлар микдорининг камайиши туфайли, уларнинг таннархи анча қимматга тушади.

Нихолчалар кўчатзорга асосан машинада, оралигини 60 ёки 70 см килиб экилади. Бунинг учун ДТ-75, Т-28x4М ва Т-28x3 белгили тракторларга осилган СШН-3 ва СШН-4 кўчат экадиган агрегатларидан фойдаланилади. СШН-3 агрегати -70 см оралиқда уч қатор нихол ўтказишга мўлжалланган. СШН-3 машинасидан унумлироқ ва агротехник талабига жавоб берадиган даражада фойдаланиш мақсадида, 1968 йили Ўзбекистон Ипакчилик бош бошкармаси катта инженери А. Яхъеев, Хужаобод ипакчилик хўжалигининг собик директори Т. Содиков ва механик Каюмовлар таклифи асосида, ушбу кўчат ўтказиш аппарати 20 см га қискартирилиб, туртинчи ўтказиш аппарати ўрнатилди. Натижада қатор оралари 60 см га teng бўлган турт қаторли (СШН-4) экиш агрегатига айлантирилди. Бу агрегатга турт қаторни юмшатувчи КРХ-4 белгили культиватор ва 5 та окучник (эгат очгич)

ўрнатилди. Демак унинг ёрдамида турт қаторга нихолчалар экиб, айни вактда 5 қатор ариқчалар очилади.

ШШН-4 агрегати осилган тракторнинг орка ўқи кенглиги 2,4 м, нихол экиш чукурлиги 30 см, туп оралиги 20, 25, 30 см кенгликда созланади. Тракторнинг тезлиги соатига 0,6-0,8 км га teng. Машинада 7 ишчи ишлайди. Битта тракторчи ва 6 ишчи экиш аппаратига нихол куяди. Бир навбатчиликда 1,2 га кўчатзорга нихолчалар экилади, яъни 1 га майдонга нихол экиш учун 5,8 ишчи куни сарфланади, қулда экилганда эса 26 ёки 4,3 баробар кўп ишчи куни кетади. Тут қатор орасини КХР-4 культиватори ёрдамида 45 см кенгликда ишланганлиги сабабли, қулда ишлаш икки баравар камаяди. Бу агрегатда экилган нихолчаларнинг кукарувчанлик даражаси 75-80% га teng.

1982 йили ЦКПТБ "Ипакчи" ходимлари (А. Громадский, Д. Насритдинов, М. Мирхужаев, С. Зинкина) томонидан сабзавотчилик соҳасида кенг қулланган СКНБ-4 ва СКН-6 белгили машиналардан тут нихолчаларини экишда фойдаланишни тавсия этишди. Нихолчаларни экишдан олдин танаси илдиз бўғзидан 5-6 см қолдириб кесилди. Ушбу машиналар 4 дан 6 қаторгача кўчат экади. Машина "Беларусь" ёки Т-38 белгили тракторларга ўрнатилди. Агрегат харакатланиш жараёнида олти қатор арикча очиб, экувчи аппарат нихолчани кўяди, айни вактда сув пуркайди хамда ғалтак мола ёрдамида илдиз атрофидаги тупроқни зичлаб кетади. Бунда бир тракторчи, 6 киши нихолчаларни аппаратга куйишда ва 3-6 киши нихолчаларни экишга тайёрлаб беришда катнашади. СКНБ-4 ва СКН-6 машиналарини Тошкент насл-ипакчилик хўжаликларида тут кўчатзорида синаб кўрилганда, бир сменада экиш қалинлигига қараб, 1,2-2,5 га кўчатзорга нихолча экилиб, кукарувчанлик даражаси 95% гача бўлган.

Нихолчаларни кўчатзорга ГБ-35/28 белгили универсал ва бошка гидробурлар ёрдамида хам экиш мумкин. Хар бир гидробур кучли отилган (1-2 атмосферада) сув тизими таъсирида 50-60 см гача чуқурлик хосил қиласи ва унинг учдан икки кисми лой аталаси билан тулади. Шу ерга

нихолча илдизи жойлаштирилади. Илдиз суюлтирилган лойга қуйилғанлиги туфайли нихолчанинг кукариши учун энг қулай шароит туғилади ва бундай нихрл бехато кўкариб, кейинчалик жуда яхши ривожланади.

Нихолчаларни қўлда экишда Колесов асбоби, кетмон ва белкуракдан фойдаланилади. Бунда, қаторлар ораси 60 ёки 90 см килиб, маркёр билан чизиклар тортилади ёки тракторга осилган эгат очгич ёрдамида аrikчалар очилади. Масалан, хозирги кунда мавжуд тракторга осиладиган культиваторларни хисобга олган холда Самарканд ва Тошкент вилоятларидағи ипакчилик хўжаликлари тут нихолларини кўчатзорга 60 см, Жаркургон, Ургенч, Қарши хамда Бухородаги ипакчилик хўжаликларида 90 см кенгликда экмоқдалар.

Нихолчани қўлда экканда икки киши ишлайди, бири асбоб ёрдамида чукурча ковлади ва иккинчиси чукурчага нихолчани жойлади.

Сўнгра биринчи киши нихолчанинг илдизини илдиз бўғзидан сал юқорироқ қилиб тупроқ билан зичлаб куяди. Биринчи киши навбатдаги нихолча учун чукур кавлагунча, иккинчиси олдинги экилган нихолчани тортиб кўриб, экиш сифатини текширади. Экиш вақтида нихолнинг илдизи юқорига қайрилиб қолмаслигига ва қўл билан тортилганда сугуриб чиқмайдиган бўлишига эътибор берилади. Бундан ташкари, нихолчани кўкламда ўтказишда унинг илдиз бугзи ер бетидан 2-3 см, кузда экканда эса 4-5 см пастроқ бўлиши шарт. Нихолча юза экилса, қишида унинг илдиз бугзига совуқ таъсир қилиб, куклам ва ёзда эса офтоб уриши мумкин.

Кўчатзорда қўлланадиган схемага мувофик қатор ва туп ораларининг кенглигига қараб, 1 га майдонга қуийдаги микдорда нихолча экилади (1-жадвал).

Нихолчалар канча калин экилса, бир га дан олинадиган кўчат шунча кўп бўлади. Лекин, нихолчалар юкорида кўрсатилган микдордан қалинроқ экилса, кўчатлар буйчан булса хам, аммо қувватсиз ўсади, яъни сифати пасайиб, стандарт талабга мос келмайди.

**Кўчатзорнинг 1 га га экиладиган нихоллар сони, дона хисобида**

Туп ораси, см	Қатор орасининг кенглиги		
	60 см	70 см	90 см
33	50500	40200	34000
30	55500	47600	37000
25	66700	57100	44400

**Кўчатларни парвариш қилиш.** Экилган нихоллар юқори агротехника талаблари даражасида парвариш қилинса, улар тулиқ кўкариб, бақувват бўлиб ўсади. Натижада сифатли кўчатлар етиштирилади. Кўчатларни парвариш қилишга суғориш, қатор ва туп ораларини юмшатиш, ўғитлаш, шакл бериш каби тадбирлар кириб, бу ишларни ўз вактида ва оптимал даражада амалга ошириш зарур.

Кўчатларни суғориш вақти, сони хамда хар галги сув бериш муддати у ёки бу туманнинг об-хаво ва тупроқ шароити (тупроқ хили, сизот сувларининг жойлашиши, ернинг шурланиш даражаси ва бошқалар)га қараб белгиланади. Кўчат яхши ўсиши учун кўчатзор тупрогининг 1 м қатламида намлик сиғими буз тупроқларда 70 ва ўтлок тупроқларда 75% дан кам бўлмаслиги зарур. Тупроқдаги намликни шу холатда сақлаш учун, 1 га кўчатзор майдонига хар галги сув меъёри 650 дан 1000 м доирасида белгиланади.

Кўчатзор кўклам ва ёзниңг охирида камрок, ёз ўртасида кўпроқ суғорилади. Кўчатнинг ўсув даврида биринчи суғориш вақти 10-15 соатдан, ундан кейингилари эса 20-25 соатдан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Ипакчилик илмий тадқиқот институти билан Тошкент Давлат аграр университетининг тегишлича буз ва утлоқ тупроқли ерларда

үтказган амалий тажрибаларига асосан, кўчатларни қуидагича суғориш тавсия қилинади (2-жадвал).

Суғориш эгатларининг узунлиги ёки бир бош ариқдан иккинчи бош ариқкача бўлган масофа тупроқ сувни сингдириши ва жойнинг қиялик даражасига қараб белгиланади. Масалан, Н. И. Кузнецов маълумотига кўра, сувни кам сингдирадиган тупроқларда майдоннинг нишабига қараб эгатларнинг узунлиги 80-150 м, сувни ўртacha сингдирувчан тупроқларда 60-120, сувни куп сингдирувчан тупроқларда 40-100 м гача олинади.

2-жадвал

### **Бўз ва ўтлоқ тупроқли ерлардаги кўчатзорларни суғориш микдори**

Ойлар	Суғориш микдори			
	бўз тупроқли ерда		ўтлоқ тупроқли ерда	
	Бир йиллик кўчатларни	Икки йиллик кўчатларни	Бир йиллик кўчатларни	Икки йиллик кўчатларни
октябрь, ноябрь ёки март-апрель /кўчат экилгандан кейин/	1	-	1	-
май	1	1	1	1
июнь	1-2	2	1	1
июль	2	2	2	2
август	1-2	1-2	1-2	1-2
сентябрь	1	1	-	-
Жами суғориш сони	7-9	6-7	6-7	5-6

Суғориш эгатлари ювилиб кетмаслиги ва улардан сув бир меъёрда жилдираб оқиши учун эгатнинг бошига полиэтилин пленка ёки ўғитдан бўшаган қозоз қоп парчалари босилади. Бироқ, уларни эгат арикчаларининг ўртасига эмас, балки кўчат қаторларининг рўпарасига ўрнатиш керак. Бундай қилинганда, ишлаш вақтида, уларни агрегатлар бузиб кетмайди ва бир бешликка қуйилган сув бирданига бир неча эгатга таралади. Тупроқда нам тўплаш ва шўрини кетказишда ерга яхоб бериш хам катта ахамиятга эгадир.

Шу сабабли, Ўзбекистон Ипакчилик илмий тадқикот институти Ўзбекистоннинг ўрта мўътадил туманларида тупроқ хусусиятига қараб куз, қишиш ва эрта кукламда кўчатзорларга қуйидаги микдорлар юзасидан яхоб беришни тавсия қиласди.

Енгил тупроқли ерларда хар гектарига  $1200-1500\text{ m}^3$  уртacha тупроқли ерларда хар гектарига  $1500-1800\text{ m}^3$ ; оғир тупроқли ерларда хар гектарига  $1800-2000\text{ m}^3$ . Кўчатзорнинг 60 см ли қатор оралари хар суғоришдан сўнг Т-28x4M ва T-28x5 маркали тракторларга осилган КРХ-4, 70 см ли қатор оралари эса "Беларусь" Т-40 ва Т-40А маркали тракторларга ўрнатилган КРН-4,2 культиватор-ўгитлагичлар ёрдамида, қатордаги туп оралари эса кетмон билан юмшатилади. Бегона ўтларни йуқотишида культиваторнинг пичноқ-панжалари, қатор ораси 60 см бўлганида, 30-35 см, қатор ораси 70 см булганда эса 35-40 см кенглиқда ишлайдиган қилиб ўрнатилади, трактор биринчи тезликда юргизилади. Қатор ораси 60 см кенглиқдаги кўчатзорда ўтоқ қилиш учун хар қайси жуяк шотисининг олди томонига 10-12 см чукурлиқда ва 15 см кенглиқда қирқадиган битта ғозпанжа хамда унинг орқасига (ён томонларида) хар қайсиси 16,5 см кенглиқда қирқадиган иккита бир ёклама пичноқ ўрнатилади. Суғорилган кўчатларнинг қатор ораларини юмшатиш учун 5 та эгат очгичнинг хар бирига 35 см кенглиқни оладиган уттадан панжасимон ағдаргич, кўчатзорни суғориш олдидан эгат очиш учун 5 та эгат очгичнинг хар бирига битта окучник (арикча очгич) тиркалади. Кўчатзор 2-марта суғорилгандан кейин, кўчатлар тупроқ билан кўмилиб қолиш хавфи туғилса, эгат очгичнинг қанотлари олиниб, 13-15 см чукурлиқда эгат очилади. Шундан кейин 3 ва ундан сўнги суғоришлардан кейин эгат очгич қанотлари қайтадан ўрнатилиб, эгатлар 15-18 см чукурлиқда очилади. Намликини сақлаш мақсадида хар галги суғоришдан кейин тупроқ етилиши билан кўчат қатор оралари юмшатилади. Бунинг учун культиваторнинг пичноқ панжалари эгатнинг ўртасини 14-16 см ва четларини 10-12 см чукурлиқда юмшатадиган қилиб ўрнатилади.

Қаторлардаги күчат оралари мавсум охиригача бир йиллик күчатзорда 4-5, икки йиллик күчатзорда 2-3 марта 12-15 см чуқурлиқда кетмон билан юмшатиласы.

Бир йиллик күчатзорнинг ўсув даври охири (куз)да ёки кейинги йили эрта кукламда тракторга ўрнатилган ўғитлагич ёрдамида мўлжалланган микдордаги чириган гўнгга фосфор ўгитлари аралаштирилиб солинади ва кетма-кет агадаргичи олиб қўйилган плуг билан 18-20 см чуқурлиқда хайдалади.

**Ўғитлаш.** Күчатларнинг бақувват ўсиши ва яхши ривожланиши учун күчатзор сурункали равишда ўғитлаб турилиши керак. Күчатзорга солинадиган минерал ва органик ўғитлар тури хамда миқдори тупроқнинг унумдорлик даражаси, физик хусусияти, тупроқ таркибида чиринди ва харакатчан азот, фосфор, калий моддаларининг қанчалигига қараб белгиланади.

Ўрта Осиё ва жумладан Ўзбекистонда тут күчатлари айникса азот, фосфор ўгитларига талабчандир. Калий ўғитлари камроқ миқдорда солинади, чунки Ўзбекистон тупроқларида бу модда нисбатан бор.

Күчатнинг фаол ўсиши, танасининг тез пишиши ва илдизларининг яхши ривожланиши учун азот, фосфор ва калий ўғитлари биргаликда берилгани маъкул. Тупроғи кучсиз булган күчатзорнинг хар га сига кузги шудгорлаш олдидан қушимча қилиб органик ўғитлардан 20-25 т гунг ёки 25 т компост, 5-5 т нажас солинади. Бу органик ўғитларга фосфорнинг ярмини аралаштириб кузда солиш яна хам яхши натижа беради. Органик ўғитлар солища "Беларусь", Т-40, Т-40 А маркали тракторларга тиркаладиган НТ-2, ТУР-7, РПТ-2, РКН-1 ўғитлагичлардан хамда ПТС-3-772 маркали узи агадардиган прицеплардан фойдаланиласы.

Минерал ўғитлар асосан күчатларнинг ўсиш даврида берилиб, күчатзорга солинадиган йиллик миқдори тупроқнинг унумдорлигига қараб белгиланади. Ўзбекистон Ипакчилик илмий тадқикот институти бир ёшли

кўчатзорнинг хар гектарига соф вазнадаги минерал ўғитларнинг йиллик миқдорини: азот-60-180, фосфор-30-90, икки ёшлик кўчатзорга азот-120-240, фосфор-60-120 ва калий-30-60 кг хисобида тавсия этади.

А. И. Федоров тавсиясига кўра кўчатнинг биринчи ўсув йили минерал ўғитлар икки муддатда: кузда экилган кўчатларга биринчи марта азотли ўғитнинг 50%, кўчат кукламда экилган бўлса, экиш тугагандан сўнг, қолган 50% биринчи муддатдан бир ой кейин солинади. Фосфорли ва калийли ўғитлар бир йула иккинчи марта азот солиш вактида қўшиб берилади. Икки ёшли кўчатларга минерал ўғитларнинг хаммаси бир муддатда-февраль охири ёки марта солинади.

Бизнинг ўтлок тупроқли кўчатзорда олиб борган тажрибамиизда, фосфорнинг ярми гўнг билан аралаштирилиб, кузги шудгорлаш олдидан нихол экилгунча солинди. Азотнинг 50% ни фосфорнинг 25% ига қўшиб кўчатнинг биринчи ўсув йили кўкламда (куртаклар буртиб 1-2 барг хосил килгач), азотнинг қолган ярми 25% фосфор билан аралаштириб, биринчи муддадан бир ой ўтказиб берилди. Кўчатнинг иккинчи ўсув йилига мўлжалланган фосфорнинг 50% и бир йиллик кўчатларга кузда, кўчат қатор орасини хайдаш олдидан ва қолган 50% азотнинг жами миқдори билан иккинчи йили кукламда, ўсимликда шира юргандан сўнг (мартиңг охирида) берилди. Ўғитлар мана шундай муддатларда берилганда кўчатларнинг буйи биринчи йилдаёк ўртacha 190-200 см га, 120 см баландликдаги тана йугонлиги 11-13 мм га teng бўлди. Назоратда эса (юқоридаги тавсияга кўра) бу кўрсаткичлар тегишлича 150-160 см ва 9-10 мм ни ташкил этди. Ўғитлар биз тавсия этган муддатларда солинса, кўчатлар жадал ўсиб, биринчи йилнинг ўзидаёк II, III нав дурагайлар етишириш мумкин. Минерал ўғитларга органик ўғитлар қушиб берилса, бир йил мобайнида I,II, III навли стандарт кўчатлар ўстириш имкони бўлади.

Минерал ўғитлар эгат орасига 10-15 см чуқурликда солиниши керак. Бунинг учун қатор ораси 60 см ли кўчатзорда T-28x4 м ва T-28x3 белгили

тракторларга осилган -КРХ-4 ва қатор ораси 70 см кўчатзорда "Беларусь", Т-40 ва Т-40 А маркали тракторларга ўрнатилган КРН-4,2 белгили культиватор-ўғитлагич машиналардан фойдаланилади. Кичик майдонга экилган кўчатларни ўғитлаш учун кичик ёки отга қушиладиган КОКС-0,7 Б, КОК белгили эгат очгич-ўғитлагичларни хам ишлатса бўлади.

**Кўчатларга шакл бериш.** Баланд танали тутлардан келгусида мул ва сифатли барг олиш учун уларга шакл бериш кўчатзордан бошланади. Кўчатларга биринчи усув йилида икки, иккинчи усув йилида уч марта шакл берилади. Агар нихолчаларнинг новдаси кўчатзорга экишдан олдин кесилмаган бўлса, кузда экилганлари кўкламда тупроқ етилиши билан, кўкламда экилганлари эса биринчи суғоришдан сўнг ердан 5-6 см узунликда қолдириб кесилади. Бу тадбир кўчатнинг ер устки қисми (новдаси) билан уни экиш вақтида қискартирилган ер остки қисми (илдизи) ни бараварлаш хамда тўғри ва яхши ўсувчан тана хосил қилиш мақсадида қўлланади. Кўчатнинг кесилган жойидан чиқкан янги новдалари 10-15 см га етгач (тахминан май бошида), ундан туғри ва бақувват биттаси асосий тана сифатида қолдирилиб, қолганлари танага тақаб кесилади. Шундан кейин бир ёшли кўчатлар мавсум охиригача буталмасдан эркин ўстирилади.

Кўчат биринчи йили нимжон ва пакана бўлиб ўсса, бу холда уни бўйига ўстириш хамда танасини йугонлаштириш учун ёзнинг ярмида (июль ойи) асосий новдасидан чиқкан ён шохчаларнинг учи чимдиг қуйилади. Бу тадбир секин усувчи хамда кўплаб ён шохлар хосил қилувчи жайдари Хасак тутига таълуқлидир. Тутчиликда уруғчилик ривожлантирилиб, дурагай тутлар этиштирилиши, кўчатзорда алмашлаб экишнинг жорий этилиши ва парвариш қилиш агротехникасининг такомиллашуви сабабли кўчатларининг ўсиш даражаси анча ортди.

Г. В. Бутенконинг 1950 йили Ўрта Осиё ипакчилик илмий тадқикот институтининг тажриба хужалигидаги кузатишига кура, дурагай тутларнинг кўчати биринчи йилдаёк буйчан ўсиб ёзнинг ўрталарида кўплаб ён шохлар

хосил қиласи, тракторга ўрнатилган агрегатлар кўчат қатор орасини ишлаш пайтида бу шохларни синдириши ва танани шикастлантириши мумкин Бунда ён новдаларни учини чимдиш орқали мулжалланган мақсадга эришиш қийин. Шунинг учун Наманган тут кўчатзори ва Тошкент давлат аграр университети ўқув тажриба хўжалигида ўтказган тажрибамиизда бу хилдаги бакувват ўсган бир ёшлик кўчатларда тананинг пастки ярмидан чикдан ён шохларни ёз ўртасида (июннинг охиридан кечиктирмай) танага тақаб кесиб, юкориги шохларни учидан чимдиб ташладик.

А. И. Федоров ва Г. В. Бутенколар ён шохлардаги барглар озиқ йиғиб тананинг йугонлашишига сабабчи бўлиши, шу туфайли улар танага тақаб эмас, балки 1/3 кисми кесилса яхши натижа бериши ва буни "йугонлаштириш учун кесиш" номи билан юритиш хақида фикр билдирилар.

Кўчатнинг иккинчи ўсув йилида эса уларнинг олдинги йилдаги ривожланиш даражасига қараб А. И. Федоров ва К.С.Земский таклиф этган икки усулда шакл берилади.

А. И. Федоров тавсиясига кўра, биринчи йили ўртача (буйи 1,5-1,7 м) ўсган кўчатлар иккинчи йили эрта кукламда ўсимлик қуртак ёзгунча асосий танасининг 1,2-1,3 м дан юкориси баг қайчи ёки баг пичоқ билан кесиб ташланади. Шунда тананинг юкориги қисмидаги қуртаклардан шохчалар ўсади. Буни каллак хосил учун кесиш дейилади. Май охири ва июннинг бошида тананинг юкориги қисми (каллак)да 3-4 та новда қолдирилиб, пастдаги ён новдаларнинг 20-25 см дан юкориси қиркилади. Июлнинг охири ёки августнинг бошида бир-бирига қарама-қарши жойлашган учта юкориги новда қолдирилиб, бошқа жами ён новдалар танага тақаб кесилади.

К. С. Земский тавсиясига кўра, биринчи йили бакувват (буйи 2 м дан ортиқ) ўсган кўчатлар асосий танасининг 1,3 м дан юкориси иккинчи йили эрта кукламда (А. И. Федоров усулига ўхшаш) қирқилади. Шундан сўнг тананинг юкори қисми қуртакларидан бир қанча шохлар ўсиб чиқади. Майнинг охири ва июннинг бошида тананинг юкори қисми (каллак) да 3-4 та

новда қолдирилиб, пастидан чиққан ён новдалари танага тақаб кесилади. Тананинг кесилган жойидан қайта ўсиб чиққан новдалар июннинг охири ва июлнинг биринчи ярмида иккинчи марта тагидан қиркиб ташланади.

Айниқса, кўчат биринчи усув йилида жуда нимжон бўлиб, кузгача 1,3-1,5 м га етмаса, иккинчи йили кўкламдан бошлаб, унинг танасини ўстириш мақсадида шакл берилади. Бунинг учун эрта кўкламда тананинг учидаги совуқ урган қисми қирқилади ва кейинчалик шу жойдан чиққан янги новдалардан битта яхшиси қолдирилиб, унинг тагидан чиққан ён новдачаларнинг 20-25 см дан юқориси қирқилади. Кўчатнинг буйи 1,5-1,6 м га етгач, 1,2 м дан юқориси чимдилади ёки кесилади. Бундай қилинганида кўчат танасининг юқори қисмida бир қанча ён новдалар ўсиб чиқади. Бу хилдаги кўчатларга июннинг охири ва июлнинг бошида 3-4 новдали шоҳшабба берилади, августнинг охирода учта асосий шоҳ қолдирилиб, бошқа хамма ён новдалар танага тақаб кесилади.

Шоҳ-шаббаси 6 каллакли, яъни тўлиқ шакл берилган ёш дараҳтча этиштириш учун кўчатлар кўчатзорда учинчи йилга қолдирилади. Учинчи йили кўкламда каллакдаги 3 та новда 40-50 см узунликда қолдирилиб кесилади. Май-июнда танада янги чиққан ён новдачалар калта қилиб қайта кесилади. Июлнинг охири ва августнинг бошида каллакдаги хар бир шоҳда иккитадан новда қолдирилади, қолганлари унга тақаб кесиб ташланади. Натижада кўчатнинг шоҳ-шаббаси икки ярус олти каллакли шаклга эга бўлади.

1969-1970 йили Намангандаги тут кўчатзори ва 1991-1992 йили Ўзбекистон Ипакчилик илмий тадқикот институти хўжалигидаги буз тупроқли ерларда хамда 1991-1992 йили Тошкент давлат аграр университети ўқув тажриба хўжалигидаги ўтлок тупроқли ерларда тут кўчатларига шакл бериш муддатларига оид тажрибалар олиб борилди. Бу хўжаликларда 1 нав дурагай нихолчалар алмашлаб экиш жорий этилган майдонга кузда экилиб, биринчи ўсув йили юқори агротехника талаблари даражасида парваришлаб,

Ўғитланди. Шу йил ёзниңг ўртаси (20-25 июнь) гача кўчатнинг буйи 1,8 м гача етди. Мана шу муддатда кўчатнинг асосий танаси 1,2-1,3 м ва унинг тагидан чиккан ён шохлар 20-25 см қолдириб кесилди. Июлнинг охири ва августнинг бошида тананиң юкориги қисмида шох-шабба учун 3-4 та новда қолдирилиб, пастдаги ён шохлар танага такаб кесиб ташланди, августнинг иккинчи ярмида тананиң устки қисмида хар томонга усган 3 та новда қолдирилди.

Бинобарин, юкоридаги усулда кўчатларни парвариш қилиш ва шакл бериш туфайли кўчатзорда биринчи йилдаёк стандарт талабига жавоб берадиган I, II, III навли кўчатлар етиштиришга эришилди.

Шуни хам айтиш керакки, А. И. Федоровнинг кўрсатишича, Қозогистонда мевали кўчатларнинг ён новдаларини ёш (яшил • тусли) вактида синдириб ташлаш усули қўлланади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, новдачалар олиб ташлангач, барглар яхши ўсиб, йириклишади ва бу барглар ишлаб чиқарган озиқ моддалар тананиң йугонлашишига ёрдам беради. Кузда эса улар тўкилиб, тана силлиқ холатда бўлади. А. И. Федоров бу усулни тут кўчатларига шакл беришда синаб қуришни тавсия этади.

Грузияда биринчи ўсув йили кўчатларда 1,2-1,3 метрдан пастда хосил бўлган қуртаклар қўкара бошлиши билан олиб ташлаш тавсия этилади. Бу тадбирни бақувват кўчатлар учун қўллаш мумкин. Нимжон ўсган кўчатларга бу усулда шакл беришса, улар буйига жадал ўсиб, танаси нимжон бўлиб қолади ва пастга қараб эгилади. Юқоридаги шакл бериш усулларининг қайси бирини қўллашдан қатъий назар, кўчатлар қазиш олдидан ёки қазиб олингандан кейин, янги ерга экишдан олдин каллак шохлари 0,4-0,5 м узунликда қолдириб кесилади.

## **6. ҚАТОРЛАБ ЭКИЛАДИГАН ТУТЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ВА ЎҒИТЛАШ**

Қаторлаб экиладиган тутларни парвариш қилиш. Тут кўчати кузда ёки кўкламда экилишидан қатъий назар бу иш тугалланиши билан тут қаторидан 60-70 см қочириб ариқ очилади ва дархол суғорилади. Шундай қилингандা илдизлар атрофига тупроқ яхши зичлашиб, совук урмайди ва қуриб қолмайди.

Янги экилган кўчатнинг илдизлари ўсув даврида қайта тикланиши ва ўсиши суст бўлиб, тупроқнингпастки қават ёки ён атрофига кенгроқ тарала олмайди. Шуни ҳисобга олиб кўчатлар сув оқиб турадиган ариқ, канал ён бағри ёки экин майдонлари атрофига экилган бўлишига қарамай улар биринчи йили алоҳида 6-7 марта суғорилиши лозим. Кейинчалик 2-3 йилгача, мавсумда тутлар ҳам 15-20 кунда, ундан кейинги йилларда эса 4-5 марта суғорилади. Ариқ ён бағрига экилган биринчи қатордаги тутлар учинчи ўсув йилидан бошлаб алоҳида суғорилмаса ҳам бўлади.

Экилган кўчатларнинг яхши ўсиши ва ҳосилга тез кириши учун, уларнинг таги доимо юмшоқ бўлиши, бегона ўтлардан тозаланиб, ўғитланиб турилиши лозим. Бунинг учун куз ёки эрта кўкламда тут қатор оралари 50-60 см наридан, 1,3-1,5 м кенглиқда 20-25 см чуқурликда ПРВН-2,5 А, КСЛ-5 ва ПРВМ-3 маркали машиналарида ҳайдалади. Бу мақсадда дараҳтлар оралиғига ишлов берадиган ПНП-0,6 мосламаси ФСН-0,9 белгили осма фрезадан фойдаланса бўлади. Қаторлаб экилган тутлар ёки тут билан ғўза ва бошқа экинларнинг оралиғи торроқ бўлса, бунда тор габаритли Т-54 В тракторига ўрнатилган МПТ-1,2 фрезаси ишлатилади. Бу машиналарни ҳам ишлатишнинг иложи бўлмаса, у вақтда дараҳтларнинг атрофи мавсум давомида қўлда 3-4 марта юмшатилиб, бегона ўтлар йўқотилади.

Қаторлаб экилган дараҳтлардан мўл барг ҳосили олиш учун мунтазам равишда ўғитлар билан озиқлантирилиб турish керак. Ўзбекистон Ипакчилик

илмий-тадқиқот институтининг тавсиясига мувофиқ қаторлаб экилган тут дарахтларига органик ва минерал ўғитлар қуидаги миқдорларда солинади.

3-жадвал

### **Қаторлаб экилган дарахтларга солинадиган ўғитлар миқдори**

Дарахтнинг ёши	Органик ўғитлар, кг хисобида		Минерал ўғитлар, г ҳисобида (соғ вазнда)		
	Гүнг ёки компост	шарбат	азот	фосфор	калий
10 ёшгача	10-25	5	125	60	30
10 ёшдан 20 ёшгача	25-50	12	250	125	60
20 ёшдан 40 ёшгача	50-100	20	500	250	125
40 ёшдан катта	100-200	30	1000	500	250

Органик, фосфор ва калий ўғитларининг 50% и кузда ёки эрта кўклам (февраль-март)да, қолган ярми азотли ўғитнинг 50% и билан аралаштирилиб, тут барги ёйила бошлигач (март ойининг охири ва апрель ойининг биринчи ярмида) ва азотнинг қолган 50% и тутларнинг барги новдалари, ипак қурти учун кесилганидан кейин (майнинг охири ва июннинг биринчи ярмида) солинади.

Дарҳақиқат, ўғитлар куз ёки эрта кўкламда ҳайдаш олдидан қаторларга сепилиб, сўнgra 20-25 см чуқурликда ҳайдалади ёки дарахтлар атрофига сепилиб кетмон билан 18-20 см чуқурликда кўмилади. Ўсиш даврида улар ўғитлагич машиналар ёрдамида ёки қўлда сепиб, 18-20 см чуқурликкача чопилади.

## **7. ҚАТОРЛАБ ЭКИЛГАН ТУТ ДАРАХТЛАРИНИНГ ШОХ-ШАББАСИГА ШАКЛ БЕРИШ**

Ёш тут дарахтларининг шох-шаббасини тегишли шаклда ўстириш мўл ва сифатли барг етиширишда катта аҳамиятга эга.

Тут дарахтларини кўп, яъни олти каллакли қилиб етишириш учун биринчи ўсув йили ҳар қайси асосий шохдан кўкариб чиққан новдалардан тагидан тақаб кесилади. Бундай тутларнинг ҳар қайси тупида кесилган йили кузгача олтита новда ҳосил бўлади. Бу олтита новда иккинчи йили кўкламда 30-40 см узунликда қолдирилиб, тана ва шохларидан чиққан ён новдалар тагидан қирқилади.

3-4 ўсув йиллари қурт боқиши даврида тутнинг илдиз бўғзи, танаси ва учта асосий шохи остидан чиққан ён новдачалари тагидан кесилади. Лекин, бунда шох-шаббадаги асосий новдаларга тегилмайди. Дарахтнинг бешинчи ўсув йили, яъни баргидан биринчи марта фойдаланишда, кўкламги қурт боқиши даврида олтита каллакдаги ҳамда новдалар ва каллаклар остидан чиққан новдачалар тагидан қирқилади. Шундан кейинги йиллардаги қурт боқиши даврида ҳам новдалар худди бешинчи йилдаги тартибда кесиб олинади. Бу икки поғонали олти каллакга эга бўлган шох-шаббали дарахтлар деб аталади.

Биз юқорида уруғ кўчатларидан экилган дарахтларга олти каллакли шакл бериш учун 3 ёки 4-йил талаб этилиб, унинги баргидан 5-йили фойдаланиш мумкинлигини кўрдик. Пайванд баргидан 5-йили фойдаланиш мумкинлигини кўрдик. Пайванд ёки қаламча кўчатлардан етиширилган дарахтларга 2-ўсув йилидаёқ олти каллакли шакл берилиб, 3-йили олтита каллаклардаги баргли новдалар қурт боқиши учун қирқилади.


Бинобарин, уруғ кўчатлардан ўсан дарахтларга қараганда пайванд ёки қаламчасидан ўсан навдор тутлардан 2-3 йил олдин барг етиширилади. Бундан ташқари навдор тут дарахтларда тана ёнидан ва каллаклар остидан

бачки новдалар деярли чиқмаганлиги сабабли, илдизда сўрилган озиқ моддалар тўғридан-тўғри каллакдаги асосий новдаларнинг ўсишига сарфланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, шох-шаббасига кўп каллакли шакл берилган дараҳтлар бир каллакли дараҳтларга нисбатан икки баробар узок яшаб, барг ҳосили 1,3-1,5 марта кўп ва анча тўйимли бўлади.



**1 – расм. Икки йиллик дурагай тут кўчатлари.**



**2 - расм. Икки йиллик дурагай кўчатларга шакл бериш усуллари.**

А.И. Федоров ва Г. В. Бутенколар ён шохлардаги барглар озиқ йиғиб тананинг йўғонлашишига сабабчи бўлиши, шу туфайли улар танага тақаб эмас, балки 1/3 қисми кесилса яхши натижа бериши ва буни “йўғонлаштириш учун кесиш” номи билан юритиш ҳақида фикр билдирилар.

Кўчатнинг иккинчи ўсув йилида эса уларнинг олдинги йилдаги ривожланиш даражасига қараб А.И. Федоров ва К.С.Земский таклиф этган икки усулда шакл берилади.

А.И. Федоров тавсиясига кўра, биринчи йили ўртача (бўйи 1,5-1,7 м) ўсган кўчатлар иккинчи йили эрта кўкламда ўсимлик куртак ёзгунча асосий танасининг 1,2-1,3 м дан юқориси боғ қайчи ёки боғ пичоқ билан кесиб ташланади. Шунда тананинг юқориги қисмидаги куртаклардан шохчалар ўсади. Буни каллак ҳосил учун кесиш дейилади. Май охири ва июннинг бошида тананинг юқориги қисми (каллак)да 3-4 та новда қолдирилиб, пастдаги ён новларнинг 20-25 см дан юқориси қирқилади. Июлнинг охири ёки августнинг бошида бир-бирига қарама-қарши жойлашган учта юқориги новда қолдирилиб, бошқа жами ён новдалар танага тақаб кесилади.

К.С. Земский тавсиясига кўра, биринчи йили бақувват (бўйи 2м дан ортиқ) ўсган кўчатлар асосий танасининг 1,3 м дан юқориси иккинчи йили эрта кўкламда (А.И. Федоров усулига ўхшаш) қирқилади. Шундан сўнг тананинг юқори қисми куртакларидан бир қанча шохлар ўсиб чиқади. Майнинг охири ва июннинг бошида тананинг юқори қисми (каллак) да 3-4 та новда қолдирилиб, пастидан чиққан ён новдалари танага тақаб кесилади. Тананинг кесилган жойидан қайта ўсиб чиққан новдалар июннинг охири ва июлнинг биринчи ярмида иккинчи марта тагидан қирқиб ташланади.

Кўчат биринчи йилида жуда нимжон бўлиб, кузгача 1,3-1,5 м га етмаса, иккинчи йили кўкламдан бошлаб, унинг танасини ўстириш мақсадида шакл берилади. Бунинг учун эрта кўкламда тананинг учидаги совуқ урган қисми қирқилади ва кейинчалик шу жойдан чиққан янги

новдалардан битта яхиси қолдирилиб, унинг тагидан чиқсан ён новдачаларнинг 20-25 см дан юқориси қирқилади. Кўчатнинг бўйи 1,5-1,6 м га етгач, 1,2 м дан юқориси чимдилади ёки кесилади. Бундай қилинишида кўчат танасининг юқори қисмида бир қанча ён новдалар ўсиб чиқади. Бу хилдаги кўчатларга июннинг охири ва июлнинг бошида 3-4 новдали шоҳшабба берилади, августнинг охирида учта асосий шоҳ қолдирилиб, бошқа ҳамма ён новдалар танага тақаб кесилади.

### **Қаламчалардан ўстирилган тут кўчатларининг шоҳ – шаббасини ҳосил қилиш учун шакллантириш муддатлари**

4- жадвал

Клон ва навлар	Ҳисобга олинган ўсимлик	Июл	Август	Сентябр	Олинган 3 та шоҳга эга бўлган кўчатлар	Шоҳ – шаббаси шаклланган кўчатнинг йўғонлиги
		Кирқилган ўсимлик, дона.				
Тожикистон уругсиз тути	100	60	30	10	83	12.5 мм
Ўзбекистон нави	100	60	30	10	74	14.0 мм
Тошкент нави	100	60	30	10	70	13.9 мм
Қатлама тут	100	60	30	10	85	12.7 мм

Шоҳ-шаббаси 6 каллакли, яъни тўлиқ шакл берилган ёш дарахтча этишириш учун кўчатнинг кўчатзорда учинчи йилга қолдирилади. Учинчи или кўкламда каллакдаги 3 та новда 40-50 см узунликда қолдирилиб кесилади. Май-июнда танада янги чиқсан ён новдачалар калта қилиб қайта кесилади. Июлнинг охири ва августнинг бошида каллакдаги ҳар бир шоҳда иккитадан новда қолдирилади, қолганлари унга тақаб кесиб ташланади.

Натижада кўчатнинг шох-шаббаси икки ярус олти каллакли шаклга эга бўлади.

1949-1950 йили Наманган тут кўчатзори ва 1961-1962 йили Ўрта Осиё ипакчилик илмий тадқиқот институти хўжалигидаги бўз тупроқли ерларда ҳамда 1961-1962 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институти ўқув тажриба хўжалигидаги ўтлоқ тупрқли ерларда тут кўчаталрига шакл бериш муддатларига оид тажрибалар олиб борилди. Бу хўжаликларда 1 сорт дурагай ніхолчалар алмашлаб экиш жорий этилган майдонга кузда экилиб, биринчи ўсув йили юқори агротехника талаблари даражасида парваришлаб, ўғитланди. Шу йили ёзнинг ўртаси (20-25 июн) гача кўчатнинг бўйи 1,8 м гача етди. Мана шу муддатда кўчатнинг асосий танаси 1,2-1,3 м ва унинг тагидан чиққан ён шохлар 20-25 см қолдириб кесилди. Июлнинг охири ва августнинг бошида тананинг юқориги қисмида шох-шабба учун 3-4 та новда қолдирилиб, пастдаги ён шохлар танага тақаб кесиб ташланди, августнинг иккинчи ярмида тананинг устки қисмида ҳар томонга ўсган 3 та новда қолдирилди. Бинобарин юқоридаги усулда кўчатнинг парвариш қилиш ва шакл бериш туфайли кўчатзорда биринчи йилдаёқ стандарт талабига жавоб брадиган I, II, III сорт кўчатлар етиштиришга эришилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, А.И. Федоровнинг кўрсатишича, Қозогистонда мевали кўчатларнинг ён новдаларини ёш (яшил тусли) вақтида синдириб ташлаш усули қўлланади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, новдачалар олиб ташлангач, барглар яхши ўсиб, йириклишади ва барглар ишлаб чиқарган озиқ моддалар тананинг йўғонлашишига ёрдам беради. А.И. Федоров бу усулни тут кўчатларига шакл беришда синаб куришни тавсия этади.

Юқоридаги шакл бериш усулларининг қайси бирини қўлашдан қатъий назар, кўчатлар қазиш олдидан ёки қазиб олингандан кэйин, янги ерга экишдан олдин каллак шохлари 0,4 – 0,5 м узунликда қолдириб кесилади.

## **8. БАЛАНД ТАНАЛИ ТУТЗОРЛАРНИ ЎЃИТЛАШ МИЌДОРИ ВА ТУТЗОР ҚАТОР ОРАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Тутзорга экилган кўчатларнинг яхши кўкариши, тез ҳосилга кириши ва кўп йиллар мўл барг олиниши учун ер майдонини танлаш ва уни экишга тайёрлаш катта аҳамиятга эга.

Қалин қаватли ботқоқланмаган, сизот сувларининг сатҳи 1 м дан паст жойлашган, шағалсиз ёки шағали кам бўлган, шўрланмаган ёки кам шўрланган ва сув билан етарлича таъминланган ерлар тутзорлар учун яроқли ҳисобланади. Бедапоя ва юқори агротехника асосида ишлов берилган экинзорлардан бўшаган ерлар унумдор тупроқли бўлиб, бундай майдонда ташкил қилинган тутзорларда тут тез ривожланади, мўл ва тўйимли барг беради.

Баланд танали тутзорларга кўчат экиш муддати ва техникаси қаторлаб экиладиган баланд танали тутларникига ўхшаш. Тутзорда қатор орасига ишлов бериш ва ўғитлаш ишлари бутасимон қаторлаб экиладиган тутлар каби механизмлардан фойдаланилади. Факат фарқи қаторлаб экиладиган бута тутларга бир томонлама-узунасига, баланд танали тутзорга эса икки томонлама-ҳам узунасига ва кўндаланг ишлов бериш мумкин.

Туманнинг тупроқ-иқлим шароитига қараб, тутзорда кўчатларни биринчи ўсув йили 6-9 марта, иккинчи ва ундан кейинги йиллари 5-7 марта, айниқса ёзнинг иссиқ ойларида хар 20-25 кунда сугориб турилади.

Тутзорга солинадиган ўғитлар миќдори тупроқнинг унумдорлиги, тут баргидан фойдаланиш даражаси ва тутзорнинг ёшига қараб белгиланади.

Органик ўғитларнинг тўла миќдори фосфор ва калийнинг 50% и кузда тутзор қатор орасини ҳайдаш олдидан солинади. Қолган минерал ўғитлар тутнинг ўсиш даврида уч муддатда: 1-февраль-март ойларида фосфор ва калийнинг қолган 50% и билан азотнинг 1/3 қисми; 2-азотнинг 1/3 қисми апрельнинг биринчи ярмида, тут барги ёйилгандан кейин; 3-азотнинг қолган

1/3 қисми майнинг охиридан июннинг биринчи ярмигача, тутнинг баргли новдаларини қуртга кесилгандан кейин берилади. Ўғитлар КСГ-5, КСЛ-5 боғ культиватори ва КРХ-4 культиватор ўғитлагич ёки ПРВМ-3 белгили токзор плуг-юмшатгичи ёрдамида тутзор қатор орасига солинади.

4-жадвал

**1 га баланд танали тутзорга солинадиган органик ва минерал ўғитларнинг миқдори.**

Дарахтнинг ёши	Органик ўғитлар, кг хисобида		Минерал ўғитлар, г хисобида (соғ вазнда)		
	Гүнг ёки компост	шарбат	азот	фосфор	калий
5 ёшгача	10	5	120	60	30
5 ёшдан 10 ёшгача	20	10	150	75	30
10 ёшдан 20 ёшгача	30	15	180	90	45
20 ёшдан катта тутлар	40	20	240	120	60

Тутзор қатор орасидан фойдаланиш. Тутзор оралари бўш қолмаслиги ва уни яхши парвариш қилиб туриш мақсадида, 2-3 йилгача қатор ораларига тут дарахтининг парвариш қилинишига мос келадиган ўсимликлар экиласди.

Ўзбекистонда тутзор қатор ораларига ғўза, эртаги картошка ва карам, лавлаги ҳамда дуккакли ўсимликлар экилгани маъқул. Унумдорлиги паст ва қисман шўрланган тупроқли туманларда тутзор қатор ораларига беда ва оқ жўхори экиласди. Лекин, бунда тут қаторлари бўйлаб камида 1 м кеглиқда экилмаган полоса қолдирилиши шарт, шунда тутларнинг теварак атрофига ишлов бериб туриш мумкин бўлади.

Тутзорга кечки экинлар экиш мумкин эмас, чунки уларни суғориш натижасида тутнинг ўсиш даври жуда чўзилиб кетади, бу эса новдаларнинг пишмай қолишига ва уларни совук уришига сабаб бўлади.

Баланд танали тутзорларнинг қатор ораларига бошқа ўсимликлар экиш даврида тутлар алоҳида ўғитланмайди ва сув берилмайди, чунки қатор орасидаги экинга қилинган парвариш тут дараҳтларига ҳам кифоя. Аммо, тут кўчати экилган йили биринчи сув алоҳида, қаторга яқин очилган жўяқдан қўйилиши керак. Бундан ташқари қатордаги тут туплари орасида қолдирилган полосани мавсумда 3-4 марта чопилиб, бегона ўтларни йўқотиб турилиши керак.

Баланд танали озиқ тутзорлар узоқ (60-70 йилгача) умр кўриши, қатор ораларига механизмлар ёрдамда икки томонлама ишлов бериш мумкинлиги, танасининг баланд бўлганлиги учун моллардан шикастланмаслиги, совуқقا ва касалликларга чидамли эканлиги билан бута тутзорлардан ажралиб туради. Лекин, улар экилгандан кейин бешинчи ёки олтинчи йили хосилга киради, новдаларини кесишда, касаллик ва зааркундаларга қарши курашиш ишларида айчагина кейинчилик туғдирали.

Тутзорлардаги туп ораси жуда қиска (0,5 м) бўлиши туфайли қатор ораларига бир томонлама ишлов берилиши, нисбатан қиска (15-20 йил) умр куриши, касалликларга осон чалиниши, тупроқка яқин баргларининг ишлов бериш ва ёгин гарчилик туфайли ифлосланиши бу уларнинг камчилигидир.

5-жадвалда келтирилган маълумотлар ўртacha бўлиб, маҳаллий дурагай тутларнинг барг хосилига тегишлидир. Ҳозирги вактда ишлаб чикаришга тадбик қилинган навли тутларнинг хосилдорлиги анча юқори.

Лекин шунга қарамай бу маълумотларнинг кўрсатишича тутзор хилига қараб, унинг йиллар бўйича хосилдорлиги жихатидан қонуният мавжуддир.

**Баланд танали ва бута тутларнинг йиллар буйича қиёсий барг  
хосилдорлиги**

Баргдан фойдаланиш йиллари	Бир тупдаги барг ҳосили, кг хисобида		1 га тутзордаги барг ҳосили, т хисобида	
	Баланд танали	Бута тут	1 га да баланд танали 830 та драхт	1 га да 6660 туп бута тут
1	1,0	0,45	0,83	3,0
2	1,5	0,59	1,08	3,9
3	2,0	0,68	1,63	4,5
4	3,0	0,86	2,49	5,7
5	4,0	1,06	3,32	7,0
6	4,5	1,21	3,73	8,0
7	6,0	1,29	4,99	8,5
8	8,0	1,36	6,84	9,0
9	10,0	1,40	8,30	9,3
10	11,5	1,40	9,54	9,5
11	13,0	1,51	10,79	10,0
12	14,0	1,51	11,62	10,0
13	14,5	1,51	12,03	10,0
14	15,0	1,40	12,45	9,5
15	15,5	1,36	13,06	9,0

Масалан, бута тутзорнинг барг ҳосили баланд танали драхтларга нисбатан биринчи уч йилида деярли 3 баравар, иккинчи йили ўртача 2 баравар кўп бўлган ва 10-йилга бориб хосилдорлик иккаласида ҳам деярли тенглашиб, ундан кейинги йилларда эса баланд танали драхтларнинг ҳосили купайиб борган.

Ипак қурти озиқ базасини тобора мустаҳкамлашда бута тутзорларни кенгайтириш катта роль ўйнайди. Бу хилдаги тутзорларни сербарг навдор тутларнинг пайванд кўчатидан ва айниқса қаламчасидан барпо қилинганда, уларнинг баргини иккинчи ўсув йилиёқ қуртга бериш мумкин.

Бута тутзорлар тут дараҳтларидан барг етиштиришнинг тезкор усули ҳисобланиб, пиллачилик озиқ базасининг қисқа муддат ичидан барпо қилишда катта роль ўйнайди. Ўзбекистонда бутасимон тутзорлар ташкил қилиш тажрибаси биринчи марта 1928 йилда Ўрта Осиё ипакчилик илмий тадқиқот институти томонидан амалга оширилиб, 1930 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Бута тутзорлар тез хосилга (2-3 йили) киради. Дастрлабки 5-6 йил баланд танали дараҳтларга қараганда 2-3 баравар кўп барг хосили беради Новдаларни кесишида хамда касаллик ва заараркунандаларга қарши курашишда механизмлардан тўлиқ фойдаланишга имконият борлиги паст бўйли тутларнинг афзаллик томонларидир.

К. Рахмонбердиев тажрибаси шуни кўрсатадики, бута тутзорга ҳалқаланган қаламча  $4 \times 0,5$  м схемасида экилганда, тутнинг навига қараб кўкариши 70-95% бўлган. Уларнинг баргидан эса иккинчи ўсув йили фойдаланилган. Бунга 1 га тутзордан 3-4 т ва иккинчи марта (учинчи ўсув йили) 12-14 т барг хосили олинган. Шундай қилиб, қаламчадан ташкил қилинган тутзорлар уруғ-нихолдан ўстирилганга нисбатан 2 йил олдин хосилга киради, тутзорга сарфланадиган харажат деярли 2 баравар камаяди ва барг хосили эса 3-4 марта ортади.

Озиқ тутзорларни бутасимон шаклда ўстириш кўпроқ афзалликларга эга бўлиб, пиллачилик озиқ базасини қисқа муддат ичидан кўпайтириш ва айниқса навдор тутлардан ташкил қилинадиган кенг қаторли бута тутзорларни қатор орасига мунтазам равишда оралиқ ўсимлик экиш туфайли мўл ва арzon нархда барг етиштириш мумкин. Бу эса пиллачилик тармоғининг рентабеллик даражасини оширишга имкон туғдиради.

**Бута тутзорларни ташкил қилиш ва парваришлаш.** Ҳозирги вақтда бута тутзорларга 98% дурагай нихол ва кўчат экилмоқда. Бута тутзорларга бир-бир ярим ёшли серҳосил навларнинг дурагай нихоллари ёки стандартга етмаган дурагай кўчатлар экилади. Бута тутзорлар тез ҳосилга кириши ва мўл

барг етиштириши учун улар туманлаштирилган навлар билан пайвандланган кўчатлардан ҳамда бевосита ҳалқаланган қаламчалардан ташкил қилиш мақсадга мувофик.

Бута тупидаги новдаларни сийраклатиш вақтида асосан яхши ривожланган бақувват новдалар қолдирилади, бу тадбир тайёрланадиган қаламчаларнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Бута тутзор учун қаламча тайёрланадиган она тутзорни парвариш қилишда қаламчалар олиш учун мўлжалланган тутлар барги учун фойдаланиладиган тутларга нисбатан кўпроқ шикастланади. Чунки, бундай тутлар эрта баҳорда қаламча тайёрлаш мақсадида кесилишидан ташқари, уларда июл-август ойларида ҳалқалаш ишлари ҳам амалга оширилади. Шунга қўра она тутзорларни парвариш қилишда уларни ўғитлаш схемасига бир оз ўзгартириш киритишга тўғри келади.

Чунончи, эрта баҳорда бир йиллик новдалари кесиб олингандан кейин гектар бошига 90 кг ҳисобидан (соф модда ҳисобида) азотли ўғит солинади. Бу эса тут дарахтида ўсув жараёнининг қайта тикланишини жадаллаштиради. Она бута тупида новдалар сийраклаштирилгандан кейин азотли ўғит юқоридаги миқдорда иккинчи марта берилади. Демак, йиллик соф азот миқдори 180 кг ни ташкил этади.

Она тутзорни парваришлашда суғориш қоидасига қатъий амал қилиш ҳам жуда муҳим.  $0,25 \times 0,70$  м экиш оралиғида қалин қилиб ўтқазилган тутзорларда суғориш ўсув даврида ҳаммаси бўлиб 4-5 марта ўтқазилса бўлади, чунки бундай майдонларда сув тупроқ юзасидан кам буғланади.

Қаламчаларнинг илдиз олиш даражаси тут навига ва она новдаларни ҳалқалаб тайёрланишига (К.Раҳмонбердиев, 1954, 1971), новданинг қайси қисми (зона) дан тайёрланишига ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Қаламча тайёрланадиган новдаларни ҳалқалаш илдиз ҳосил қилиш зонасида озиқ моддаларнинг тўпланишига имкон беради, қаламчаларни сақлаш ва ўтқазиш

давридаги ноқулай иқлим шароитларига бардошлигини оширади, шунингдек тупроқда яхши илдиз олишини таъминлайди.

Қаламчасидан ўстирилган, ўз илдизига эга бўлган кўчатларни доимий ўсадиган жойига ўтқазиш ишлари уларни кўчатзордан кавлаб олиш билан боғлиқдир.

Кўчатлар ўтқазилгандан кейин тутиб кетиши ва уларнинг ривожланиши илдиз тизимининг тикланиш қобилияти билан ер устки ва ер остки қисмлари ўртасидаги ўзаро (корреляцион) муносабатга боғлиқ бўлади.

Баргиз қаламчадан ўстирилган бир йиллик кўчатларни доимий ўстириш жойидаги ер устки қисмининг ривожланиши ҳамда барг ҳосили бўйича икки ёшлик кўчатлардан ўтқазилган тут дaraohtlariга қараганда ҳамма кўрсаткичлари бўйича устунлиги кузатилади. қаламчаларни ўтқазиш муддатини ҳисобга олганда иккала дaraohtlarining ёши бир хил (4-ёшли). Лекин, бир йиллик ва икки йиллик кўчатларидан ўстирилган тут дaraohtlarining кўрсаткичлари бўйича бир-бирига нисбати мос равища қуидагича: 120 см баландликдаги диаметри 7,7-6,7 ва 6,9-6,3 см ни, новдаларининг умумий узунлиги бўйича 84,4-24,4 ва 57,8-24,7 м ни, баргларининг сони 1955-858 ва 1990-964 донани барг ҳосили бўйича 6,1-3,1 ва 4,7-3,0 кг ни ташкил қилди.

Кўчатзорда бир йил давомида ўстирилган кўчатлардан ўтқазилган тут дaraohtlarining барг бериш маҳсулдорлиги икки йил давомида ўстирилган кўчатлардан ўтқазилган тут дaraohtlari ёшининг teng бўлишига қарамасдан юқори, яъни қаламчалар кўчатзорга 1973 йилда ўтқазилган бўлиб, баргидан биринчи марта 1976 йилда фойдаланилди.

Тут дaraohtlari барг ҳосилининг тўпланиш суръати йиллар бўйича ҳар хил бўлди. Бу кўчатlarining неча ёшли қилиб ўтқазилганлигига бевосита боғлиқ. Кўчатзорда бир йил ўстирилиб доимий ўсиш жойига 2004 йили баҳорида ўтқазилган тут дaraohtlarining барг ҳосили 8,3 кг, доимий ўсиш жойига икки йил кўчатзорда ўстирилиб, 2005 йил баҳорида ўтқазилган тут

даражтларидан олинган барг ҳосили эса 4,8 кг ни ташкил этди, бу ерда биринчисининг ҳосилдорлиги иккинчисига нисбатан 86,3 фоиз юқори эканлигини кўриш мумкин.

Умуман, бута тутзорлар тор қаторли ва кенг қаторли бўлади. Тутзорнинг қатор ораларига чопик талаб ва тут парваришига мос келадиган бир йиллик экинлар экиш мақсадга мувофиқ.

Тор қаторли бута тутзорларнинг дастлабки 1-3 ўсув йиллари, кенг қаторларининг ораларига эса ҳар йили экин экилади.

Тор қаторли бута тутзорнинг учала схемаси ( $2,5 \times 0,5$ ,  $3 \times 0,5$  ва  $4 \times 0,5$  м)да ҳам қатор орасига кенглиги 60 см қилиб, 8 қатор оралиқ экинлар экилса бўлади. Бунда  $4 \times 0,5$  ва  $3 \times 0,5$  м схемалари бўйича тут қатори билан оралиқ экинларнинг энг чекка қатори ўртасида 0,5 м,  $2,5 \times 0,5$  схемасида 0,35 м масофа қолдирилади. Лекин,  $3 \times 0,5$  ва  $4 \times 0,5$  м схемалари бўйича жойлашган тутзорлар орасига 2-3 йил,  $2,5 \times 0,5$  схемасида эса 1 йил давомида оралиқ экинлар экилиши керак. Кейинги йиллари эса тутларнинг новдалари бақувват ўсганлиги туфайли оралиқ экинларни соялаб қўяди. Кенг қаторли бута тутзорларда бу ҳодиса рўй бермаганлиги учун юқорида айтганимиздек, ҳар йили оралиқ экинлар экилади. Кейинги усулда тут кўчатларининг қатор ораси 6 ёки 9 м, туп ораси эса 0,5 м бўлади. Тупи билан қатори оралиқ экинлари ўртасида тегишлича 0,6-0,9 м масофа қолдирилиб, улар 8 қатор экилади.

Кенг қаторли бута тутзорларнинг қатор орасига йил сайин оралиқ экинлари экиш ва уни парвариш қилишда вўлланган агротехник тадбирлар натижасида тутдан ҳам, оралиқ экиндан ҳам мўл ҳосил олинади. Тутларни парвариш қилишда механизациядан кенг фойдаланиш туфайли қўл меҳнати жуда кам сарфланади.

Бута тутзорни қайси усулдан етиштирилган кўчатлардан ташкил қилинишидан қатъи назар кўчат ёки қаламчалар экилиб бўлиниши билан сингдириб суғорилади. Илдизи кўчатлар экилган тутзор биринчи ўсув йили

8-9 марта ва қаламча тутзор эса 17-23 марта, иккинчи ва ундан кейинги йиллари иккала усулда ҳам 6-7 марта суғорилади.

Кенг қаторли бута тутзорларга күчатларни экиш тугалланиши билан биринчи суғориш алоҳида берилиб, кейингилари қатор орасига экилган ўсимликларга қўйилган сув билан таъминланади.

Тор қаторли 4,3 ва 2,5 м кенглиги бута тутзорларга органик ва минерал ўғитлар баланд танали тутзорлар каби миқдор ва муддатларида солинади. Агар тутзор орасига бир неча йилгача ўсимликлар экилса, бу давр ичида тутлар учун алоҳида ўғитлар кифоя қиласди.

Кенг қаторли бута тутзорларга маҳсус ўғитлар солинмайди, чунки қатор ораларига экилган ўсимликларга берилган ўғитлардан тут ҳам фойдаланилади.

Бута тутзорнинг оралари кузда 25-28 см чуқурликда ҳайдалиб, ўсув даврида туп оралари кетмон билан 3-4 марта юмшатилади; қатор оралари дискали борона ёки чизель билан мавсумда икки-уч марта 18-20 см чуқурликда ишланади. Буту тутзорларига ишлов бериш, ўғитлаш, жўяк очиш ва бошқа агротехник тадбирларни амалга оширишда баланд танали тутзорда қўлланадиган механизмлардан кенг фойдаланиш зарур.

## **9. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Мавзу бўйича тўплаган маълумотларим, мутахасисслик фанларни ўқиб ўрганиб олган билимларим, айниқса тутчилик соҳаси бўйича адабиётлар билан танишиб, ишлаб чикариш амалиётида кузатишларим асосида мазкур мавзу бўйича қуидаги хulosага келдим.

1. Ипакчиликни тобора ривожлантириш, унинг озиқа базасини мустаҳкамлашда сифатли навдор тутларни кўпайтириш катта аҳамиятга эга. Шунга республикамизда тут дараҳтлари экиладиган майдонлар йилга-йилга ортиб бормоқда ва қариган дараҳтлар ўрнига ёш кўчатлар ҳамда озиқа берувчи тутзорлар ташкил қилиш талаб қилинади.
2. Ниҳолчаларни бақувват қилиб ўстириш, гектаридан олинадиган стандарт қўчатлар сонини кўпайтириш учун, ниҳолларга органик ҳамда минерал ўғитлар солинади. Ўғитнинг миқдори ва солиш вақти ҳар бир туманнинг тупроқ шароитига ҳамда уруғ сепишдан олдин у ерда қандай экин ўстанига қараб белгиланиши лозим.
3. Ниҳолзорларга ўғит солиш миқдори минерал ўғитларни яхшилаб майдалаб, тракторга ўрнатилган ўғитлагичда ниҳолча қаторидан 8-10 см ва эгат ичига 10-15 см чуқурликда солинади ҳамда минерал ўғитларнинг миқдорини соф озиқ модда ҳисобида солиш тавсия этилади. Бунда уч муддатли кўринишда бўлганда ҳар гектарига 60 кг азотли, 60 кг фосфорли ўғит берилиши, гўнг бўлмаганда ҳар гектарига 120-180 кг азотли ва 60-90 кг фосфорли ўғит берилиши тавсия этилади.
4. Кўчатнинг фаол ўсиши, танасининг тез пишиши ва илдизларининг яхши ривожланиши учун азот, фосфор ва калий ўғитлари биргалиқда берилгани маъкул. Агарда тупроқ кучсиз бўлган кўчатзорнинг ҳар гектарига кузги шудгорлаш олдидан қўшимча қилиб органик ўғитлардан 20-25 т гўнг ёки 25 т комрост, 3-5 т нажас солинса ва органик ўғитларга фосфорнинг ярмини аралаштириб кузда солиш яна ҳам яхши натижа беради.

Бинобарин, минерал ўғитлар асосан кўчатларнинг ўсиш даврида берилиши керак бўлиб, бир ёшли қўчатзорнинг ҳар гектарига соф вазндаги минерал ўғитларнинг йиллик миқдорига кўра азот 60-180 кг, фосфор 30-90 кг, икки ёшлик қўчатзорга азот 120-140 кг, фосфор 60-120 кг ва калий 30-60 кг ҳисобида берилиши тавсия этилади.

5. Қаторлаб экилган дараҳтлардан мўл барг ҳосили олиш учун мунтазам равишда ўҳитлар билан озиқлантириб туриш керак. ЎзИИТИ тавсиясига мувофиқ қаторлаб экилган тут дараҳтларига органик ва минерал ўғитлар миқдори 10 ёшгача ёки 10 ёшдан катта бўлган тут дараҳтларига 125 кг азот, 60 кг фосфор, 30 кг калий, 20 ёшгача ёки 20 ёшдан катта бўлган тут дараҳтларига 250 кг азот, 125 кг фосфор, 60 кг калий, 40 ёшгача ёки 40 ёшдан катта бўлган тут дараҳтларига 500 кг азот, 250 кг фосфор, 125 кг фосфор, 60 кг калий 40-ёшига ёки 40-ёшдан катта бўлган тут дараҳтларига 500 кг азот, 250 кг фосфор, 125 калий гектарига берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Баланд танали тутзорга солинадиган ўғитлар миқдори тупроқнинг унумдорлиги, тут баргидан фойдаланиш даражаси ва тутзорнинг ёшига қараб белгиланиб, 5-ёшдан 10-ёшгача 20 кг гўнг ёки компост, 150 кг азот, 75 кг фосфор, 30 кг калий, 10-ёшдан-20 ёшгача зот гўнг, 180 кг азот, 90 кг фосфор, 45 кг калий, 20-ёшдан катта тутларга ёки тутзорга муддат бўйича 240 кг азот, 120 кг фосфор, 60 кг калий гектарига берилса барг ҳосилини 20-25% гача ошади.

## **10. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. И.А.Каримов “Мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Тошкент-“Ўзбекистон”-2010 й. 12 ноябрь.
2. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Тошкент-“Ўзбекистон”-2009 й.
3. И.А.Каримов “Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаш-тириш йўлида” Тошкент “Ўзбекистон”-1995 й.
4. И.А.Каримов “Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўкин ҳаёт манбайи” Тошкент “маънавият”-1998 й.
5. Аббосов Ю.З, Халилов Р.К-Системы эксплуатации шелковицы для многократных -выкормок тутового шелкопряда.«Шелк», 1981, №2, с
6. Аббосов.Б.Г, Бекиров.А.Г, Алекперова.Я.А, Рахманова.Г.Н -Новый способ приготовления и хранения грены для ногократнўх выкормок тутового шелкопряда. «Шелк», №3, 1984, с. 10-12
7. Абдуллаев У А.-Тутчилик. Тошкент. «Мехнат» нашриёти, 1991
8. Абдурахимов.Х.А, Ахмедов.У.К, Парпиев.Б.А.-Повышение питательности осеннего листа шелковицы. «Шелк», 1981, №2, с.14.
9. Абдурахмонов.А, Парпиев.Б.А, Хафизова.Т -Влияние биостимулятора силатрана на продуктивные и репродуктивные свойства тутового шелкопряда «Шелк», №5, 1985, с.14-15
10. Акименко.Л.М, Braslavskiy.E.M -Результаты селекции пород для различных сезонов выкормки. Материалы III всесоюзного семинара-совещания по генетике и селекции шелкопряда и шелковицы. Ташкент-1981, с. 31-33.
11. Ахмедов Н.А.-Тут ипак қуртининг озиқланиш муддати. «Ипак» журнали 1999, №1

12. Гафутдинова.Е.А, Кашкарова.Л.Ф – Об испытании препарата в качестве питательной добавки к корму тутового шелкопряда. Труды САНИИШ«Научные основы развития шелководства»,Ташкент,1992,
13. Гулдадов.А –Урожайность и качество листа при различной системе эксплуатации шелковицы в условиях Туркмении. «Шелк», №3, 1977, с.
14. Гершензон.С.М и.др – Экология и выкормка шелкопрядов. М. «Госсельхоз-литиздат», 1979,224-229 б.
15. Ежков.Б.А, Ежкова Л.В –Промежуточные выкормки тутового шелкопряда. «Шелк» №1, 1981, с. 11-13.
16. Исламов А – Новые породы тутового шелкопряда для районов шелководства Голодной степи. Труды САНИИШ, вып. IV, из-во «Узбекистан», Ташкент, 1985, с. 49-53.
17. Исламов А – Улучшение пород Гулистанская -1 и Гулистанская-2, предназначенных для Голодной степи. Труды САНИИШ, вып. 8, Ташкент, 1973, с. 12-14.
18. Насириллаев.У.Н, Дьяков.В.М, Парпиев.Б.А, Влияние кремний-органических соединений (КОС) на продуктивность тутового шелкопряда в различные сезоны червокормления. Труды САНИИШ «Научные ососновы развития шелководства в Узбекистане», вып. 23, Ташкент, 1989, с. 30-36.
19. Насириллаев.У.Н, Наджимов.У.К, Хидиров.Н.К. и др.– О влиянии биологически активных соединений, извлеченных из хлопчатника на продуктивность тутового шелкпрядя. «Шелк», №3-4, 1993, с. 7-8.
20. Нуьманов.М.И, Милохова.И.П,– Влияние гормонального препарата кинетина на продуктивность тутового шелкопряда в летнее-осенний сезон червокормления. «Шелк», №5, 1985, с. 15-16.
21. Нуьманов.М.И, Курбанов.М.И – Биостимулирующий эффект Дарыдагской термальной воды в шелководстве. Труды САНИИШ, «Научные основы развития шелководства в Узбекистане»,вып.23,Ташкенет,1986, с.53-63.

22. Парпиев.Б.А – Значение качества корма для племенных выкормок. «Шелк», №3, 1981, с.13-15
23. Парпиев Б.А – К вопросу сортосеменного кормления шелкопряда на племенных выкормках. Труды САНИИШ, «Научные основы развития шелководства в Узбекистане» вып. 8, Ташкент, 1973,
24. Парпиев Б.А – Влияние экологических факторов на физиологические процессы у тутового шелкопряда. Труды САНИИШ, «Научные основы развития шелководства в Узбекистане», вып. 9 Ташкент, 197, с. 97-104.
25. Парпиев Б.А – Хлорат магния – биостимулятор для гусениц, дефолиант для шелковицы. Труды САНИИШ, «Научные основы развития шелководства в Узбекистане», вып. 23 Ташкент, 1986 с. 36-
26. Парпиев Б.А – Значение влаги в листьях шелковицы, содержание, поедаемость и усвоемость их после опрыскивания препаратом АТ-20. труды САНИИШ, «Научные основы развития шелководства в Узбекистане», вып. 25, Ташкент, 1991, с. 67-74.
27. Парпиев Б.А, Холматова М.Г – Влияние обработки растений хлората магния на кормовые свойства листьев шелковицы. Труды САНИИШ, «Научные основы развития шелководства в Узбекистане», вып. 25, Ташкент, 1991, с. 61-67
28. Парпиев.Б.А, Холматова.М.Г –Поедаемость и усвоемость гусеницами листа шелко-вицы, обработанного биостимулятором хлорит магния. Труды САНИИШ, «Научные основы развития шелководства в Узбекистане», вып.24, Ташкент, 1990, с. 58-64.
29. Парпиев.Б.А, Холматова.И.Г, Ламм.Г.Я, Хамирова.Ж.Б – Влияние добавки метеонина к листьям шелковицы на биологию тутового шелкопряда. «Шелк», 1992, №6, с.11-12.
30. Петков.Н – Селекция и методы на съездование на междулинейни хибриды на Bomby [mori, за летне бубоохранения. «Селекция и отглеждение на бубите», София, 1977, с. 53-62.

31. Пулатов А.П – Новые сорта и гибриды шелковицы для многократных выкормок. Труды САНИИШ, «Научные основы развития шелководства в Узбекистане», вып. 19, Ташкент, 1986, с. 22
32. Самандарова.М, Грязина.И.П – Особенности кормовых достоинств листьев сортов шелковицы для летне – осеннего червокормления. Труды САНИИШ, «Научные основы развития шелко-водства в Узбекистане», вып.10, Ташкент, 1976, с.14-24.

### **Интернет маълумотлари**

33. [WWW.Fermer ru.](http://WWW.Fermer.ru)
34. [Shelkopryadu ru.](http://Shelkopryadu.ru) 2009.
35. “[http :?// ru. Wikipedia. Org/ wiki/”](http://ru.Wikipedia.Org/wiki/)
36. Сельское хозяйство/ Ткан.
37. [cncycl.accoona.ru](http://cncycl.accoona.ru)
38. [www.mavicanet.com/](http://www.mavicanet.com/)
39. [www.slovar.info/word/](http://www.slovar.info/word/)
40. [www.nuron.uz/](http://www.nuron.uz/)
41. [www.sk.kg/ zakon.tj/index.cgi](http://www.sk.kg/zakon.tj/index.cgi)
42. [www.ab.az/ru](http://www.ab.az/ru)
43. [www.sheki-ipek.com.az](http://www.sheki-ipek.com.az)
44. [ww.edu.diplomax.ru/](http://www.edu.diplomax.ru/)
45. [www.red-rose.ru/](http://www.red-rose.ru/)